

ХДР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshлаган

№50, 2022-йил
14-декабр,
chorshanba (32.744)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi



БИРМА-БИР, ҚАДАММА-ҚАДАМ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлди.

Жамоат транспорти тизими ривожлангани шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири. Лекин Тошкент шаҳрида бу соҳа ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда кўплаб турар жойлар қурилди, аҳоли сони ошди, шаҳар ҳудуди ҳам кенгайди. Пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда.

Бу талабга жавоб бериш учун "Тошшаҳартрансхизмат" тизимида автобуслар етишмаяпти. Борларининг ҳам кўпи эскирган. Шу сабабли йўналишларга режага нисбатан 90-100 та автобус кам чиқмоқда. Кўчаларда жамоат транспорти устуворлиги йўлга қўйилмаган. Буларнинг оқибатида йўловчилар автобусларни 20-30 дақиқача кутишига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ҳолатни кескин танқид қилиб, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда бунга умуман йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Шу боис қучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топшириқ берди.

Бугунги кунда "Тошшаҳартрансхизмат" тизимида 142 та йўналиш бор. Йўловчилар оқимининг кўпайиш прогнози-дан келиб чиқиб, жамоат транспортининг 167 та йўналишдан иборат янги тармоғи шакллантирилган. Бу йўналишларни таъминлаш ва Тошкент шаҳрида жамоат транспортига бўлган талабни тўлиқ қондириш учун яна 1000 та катта сифимли автобус зарур. Бу орқали автобусларнинг оралиқ интервалини 7-10 дақиқача қисқартириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари «Тошкент иссиқлик маркази» корхонасининг Чилонзор

иссиқлик марказини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортик ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг пастлиги кузатилмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис бу борадаги зарурий чоратadbирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларида ҳароратни асраш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттли станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик етказиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев қутилмаганда шу ердаги Ширин маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларига бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизиқди.

Президент Шавкат Мирзиёев Учтепа тумани Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижасида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги мазкур оилавий

болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантикий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебель ва хўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири - Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонига бўлди. Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилган, давлат эътибори билан бу орзу си ушлаганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабида таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзги саҳна, хиёбон ташкил этилган. Манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзғорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўғраракаларини кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Улардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боғчаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти материаллари асосида тайёрланди.

ТАКЛИФ

КЎПРОҚ ИШЛАТГАН КЎПРОҚ ТЎЛАШИ КЕРАК

Дунёда кечаётган глобал иқтисодий ва сиёсий инқироз оқибатида кўплаб давлатлар орасида муносабатлар таранглашиши, санкциялар қўлланилиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда, қутилмаган муаммолар келиб чиқмоқда. Осон бўлмаётганини халқимиз билиб турибди.

Бунинг устига қишнинг одатдагидан анча совуқ келиши халқимизни табиий газ, иссиқлик ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлашни янада мураккаблаштирди.

Узоқдаги қариндошимиз билан хабарлашиш, уйимизу кўчаларимиз тунда ёритилиши, болаларимиз таълим олиши юртимизнинг янада ривожланиши – барчаси энергия таъминоти билан боғлиқ. Ҳукумат, мутасадди вазирлик-идоралар энергия таъминотидаги муаммоларни бартараф қилиш учун юқори сафарбарликда ишляпти. Буни, албатта, эътироф этиш зарур.

Шу билан бирга, муаммоларнинг ҳар йили такрорланишига, тизимли ечилишига халақит қилаётган асл сабабларни чуқур таҳлил қилиш, зарур бўлса, қатъий чоралар кўриш вақти келганга ўхшайди. Тан олиш керак, табиий газ ва электр энергияси аҳолига қимматга тушмаслиги учун бир неча йиллардан бери оғирлиқни давлат ўз зиммасига олиб келяпти. Бундай инсонпарвар сиёсат ҳурматга муносиб.

Бу ҳақда кўп айтилди. Бугун фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар уни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун сарфланган маблағдан анча кам. Етишмаган маблағ давлат томонидан дотация қилинмоқда. Давлат ижтимоий ҳимоя вазифасини бажаряпти.

Лекин фуқаролар давлатнинг ёрдамидан бирдек фойдаланмоқдаларми? Бизнингча, бундай эмас. Ёъни, икки ёки оддий уч хоналик хонадонда истиқомат қиладиган оила билан, икки-уч қаватли ҳашаматли иморатда истиқомат қилувчи оила истеъмол қиладиган электр энергия миқдори бир неча марта фарқ қилади. Давлат дотациясидан ҳашаматли уй эгалари кўпроқ фойдаланмоқда. Ижтимоий адолат тамойили асосида камхарж оилаларига давлат ёрдамидан фойдаланиши тўғри бўлар эди.

Бунинг учун ҳар бир фуқарога ўртача зарур бўлган электр энергияси ҳажми ҳисобланиб чиқиши, бу кўрсаткич ўртача оила аъзолари сонига кўпайтирилиши ва фақат шу ҳажм учун арзон тариф қўлланилиши, яъни лимит белгиланиши максатда мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Лимитдан ортик ишлатилган электр энергияси учун ошиб борувчи тартибда нарх белгиланиши керак. Бу нафақат электр энергияси учун ҳақиқий нархни жорий этишга, балки барчамизни исрофгарчиликдан тийилишимизга ҳам жиддий асос бўларди. Иқтисодий ҳолати яхши оила арзон энергияни тежаси жуда қийин.

Нархларни эркинлаштиришга шу тарзда босқичма-босқич бориш тўғри бўлади. Айримлар билдираётган нархларни бирданига эркинлаштириш амалга ошиши қийин бўлган жараён. Давлат бунга яхши билади ва шунинг учун шошилмаяпти. Энди кейинги босқичга чиқшимиз, кўпроқ ишлатган кўпроқ тўлайдиган тартибга ўтишимиз керак. Бу адолатдан бўлади.

Аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимида ҳам кўпроқ ишлатган кўпроқ тўлаши керак тамойилини жорий этиш мумкин.

Энергетика тизими мутасаддилари, мутасаддилар, истеъмолчилар бундай ёндашувни қўллаб-қувватлайди, деган умиддамиз.

Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДР Марказий Кенгаши бошқарма
бошлиғи.



ҲАЁТ ВА ҚОНУН

2 САҲИФА

ОБУНА – 2023

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK ВА Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.

Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 239-12-14, (71) 239-18-84.



ҲАЁТ ВА ҚОНУН

СИЁСИЙ
МАВЗУДАГИ
КИТОБЛАРДА
ДАВЛАТНИ ТИРИК
ОРГАНИЗМГА ҲАМ
ЎХШАТИШАДИ.
ДАВЛАТ ҲАМ
ТУҒИЛАДИ, УЛҒАЯДИ,
КУЧГА ТЎЛИБ
БОРАДИ. УЗОҚ
ЯШАЙДИ ЁКИ АЙРИМ
УМРЛАРГА ЎХШАБ
ЭРТА ҲАЗОН БЎЛАДИ.
АЧЧИҚ, АММО
ҲАЁТИЙ ЎХШАТИШ.

Яқунга етаётган 2022 йил билан давлатчилигимизнинг ҳам бир йили яқунланмоқда. Кимдир ортада қолаётган йилда қилинган ишлар ҳақида, кимдир эса амалга оширилмаган ишлар ҳақида фикр юритмоқда. Аслида ҳар қандай жамиятда ҳам ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирадиганлар бўлади ва бу нормал ҳолат.

Кеча, 13 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди, бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Биз биринчи ёритадиган масала кун тартибда биринчи кўриб чиқилмади, лекин давлатчилигимиз тарихида биринчи марта бўлди. Шунинг учун тафсилотни Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси кўриб чиқилиши билан бошлаймиз.

Масала юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхонов ахборот берди.

Маърузада келтирилганидек, давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги, натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилган. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган жами 24 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган, 156 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси кўриб чиқилиб, коррупциявий омилларни бартараф қилиш бўйича 300 дан ортиқ тақлиф ва тавсиялар билдирилган. Шу билан бирга, ҳудудлар ва соҳаларда давлат бюджетидан мақсадли фойдаланиш, давлат харидларини амалга ошириш юзасидан 50 дан ортиқ ўрганиш ўтказилгани айтилди.


Халқ вакиллари агентлик томонидан коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш, бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, ижро ҳоқимияти ва ўҳжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар беришди.

Мажлисида Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси маълумот учун қабул қилинди.

Депутатлар "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиди.

Қонун лойиҳаси билан наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни ички ишлар органларининг ташаббуси билан ҳам расмийлаштириш белгиланмоқда.

Халқ вакиллари қонун ижодкорларига шахсни мажбурий даволашга жўнатиш, ҳеч бўлмаса, яқин қариндошлари розилиги билан амалга оширилиши керак, акс ҳолда, ички ишлар органлари ходимлари хоҳлаган одамни "даволаш"га жўнатиб юборишдан тийиб турувчи восита



киритишни сўради.
Ўйлаб кўринг, эртага қонун қабул қилинганидан сўнг бундай ҳолатлар юз бермаслигини ҳам қонуний қафолатлаб қўйиш зарур.

Йиғилишда, шунингдек, "Мақтабгача таълим ташкилотлари тармоғи кенгайтирилиши ҳамда соҳада нодавлат сектор улушининг оширилиши муносабати билан "Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокамадан ўтди.

Лойиҳани Мақтабгача таълим вазири Агриппина Шин хоним ўқиб эшиттирди.

Ушбу ҳужжат билан "Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонунга оилавий нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари таълим янада кенгайтирилишига ҳамда болаларни мақтабгача таълим ва тарбия билан қамраб олиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Лекин депутатлар орасида вазирлик томонидан қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйилгани ҳам таъкидланди ва Қонунчилик палатаси Спикери шу масалада эътироз билдирди.

Узоқ давом этган мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажлисида "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республи-

касининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда "Бир суд – бир инстанция" тамойили асосида жорий қилинган суд қарорларини қайта кўриш институти бўйича ўтказилган таҳлиллар мазкур институти такомиллаштириш заруратини кўрсатаётгани қайд этилди. Хусусан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширишда "Бир суд – бир инстанция" тамойили асосида кассация институтида ишларни кўриш Олий суд ваколатига ўтказилиши ўрта бўғин – вилоят судлари имкониятларидан самарали фойдаланишни чеклаётгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, 2020 йилда Олий суд томонидан 1291 та иш кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 7560 тага етиб, (2022 йилнинг биринчи ярмида 3 441 та) Олий судда кўрилган ишлар сони бир неча баробар ошган. Натижада Олий судда иш ҳажми кескин ошиб кетиши билан бирга, фуқаролар олис ҳудудлардан ортиқча вақт ва харажат сарфлаб Олий судга келишига мажбур бўлмоқда. Қолаверса, бу ҳолат айрим ҳолларда ишларни кўриш муддатлари бузилиши, судьяларнинг иш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани маълум қилинди.

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьясининг бир ойлик ўртacha иш ҳажми 89 тани ташкил қилган. Бунинг оқибатида шикоятдаги вазир ҳар тарафлама текширилмай, иш бўйича яқуний қарор қабул қилинмасдан, суд қарори бекор қилиниб, қуйи судларга юбориш ҳолатлари кўпайган. Шу билан бирга, апелляция тартибда кўрилмаган ишларнинг келгусида кассация

Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг тақлифлари



УЛУГБЕК ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ҲХДП
фракцияси раҳбари:

— Кейинги йилларда юртимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизим яратилди ва у доимий равишда такомиллаштириб борилаётган. Тизимнинг самарали ишлаши жуда кўп омилларга боғлиқ ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада мураккаб, кенг кўламдаги ишларни бажараётганини эътироф этиш зарур.

Айниқса, коррупцияга қарши кураш жараёнлари Халқ демократик партиясининг устувор дастурий мақсадлари, хусусан, давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги, нафақат ҳуқуқлар, шу билан бирга, имкониятлар тенглигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашни, миллий маърузани кейинчалик янада такомиллаштириш бўйича айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Биринчидан, давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги барча муносабатларни коррупциявий омиллардан холи қилиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим. Бунда жойларда фуқароларнинг кайфиятига тез таъсир қиладиган ижтимоий масалаларни ҳал этиш жараёнларида коррупцияга қарши таъсирчан чоралар кўриш зарур.

Иккинчидан, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидан экани қонунчиликка қатъий белгилаб қўйилган. Лекин миллий маърузада мазкур тамойил устуворлиги таъминланаётгани айрим йўналишлардаги маълумотларда акс этмаган. Шунинг учун жамоатчилик вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиқни янада кучайтириш бўйича аниқ чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда ҳудудий кенгашиларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, таъсир кучини ошириш чораларини кўриш зарурати мавжуд.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг яна бир асосий йўналиши бўлган аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасидаги лойиҳалар қарови ва таъсирчанлигини ошириш зарур.

Тўртинчидан, коррупцияга қарши кураш бўйича парламентга ахборот бериш, умуман, миллий маърузалар тайёрлаш борасидаги халқаро амалиётни депутатлар иштирокида яна бир чўқур таҳлил қилиб, илгор тажрибаларни амалиётга жорий этиш чораларини кўриш зарурати мавжуд.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси миллий маърузани қўллаб-қувватлайди.

инстанциясида кўриб бўлмалиги ҳақидаги қонун талаблари фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу каби омиллар эса соҳани ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқараётганини таъкидлашди лойиҳа ташаббускорлари.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар судларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар имкониятидан кенгрок фойдаланишга, ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Лекин айрим депутатлар фуқаро суд ҳукмидан норози бўлгани учун Олий судга мурожаат қилиши, агар янги қонун уларнинг мурожаатларини вилоят судларига қайтарса, унда вилоят судларининг фаолиятига бошқа ташкилотларнинг таъсир ўтказмаслигини таъминлаш кераклигини таъкидлашди. Судларнинг мустақиллигини кафолатловчи қўшимча меъёрлар қонунчиликка тақлиф этилиши, бу масала бўйича катта таҳлилий ишлар кетаётгани маълум қилинди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Кун тартибдаги навбатдаги масала – "Тупрок унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида тупрок унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, тупроқларнинг ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, масъул вазирлик ва идораларнинг ваколатлари, ерларни рекультивация қилиш, тупрок ҳолати ва сифатига таъсир қилувчи лойиҳалар, воситалар ва технологияларни давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари ўз аксини топмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳада **жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида тупрок сифати ёки унумдорлигининг пасайиши натижасида етказилган зарарни қоплаш масалалари белгиланмоқда.**

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тупроқлар унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, тоза тупроқда сифатли ва хавфсиз махсулот етиштириш ҳамда яйлов ўсимликлари биохилма-хиллигини оширишга хизмат қилади. Қизгин баҳс-мунозалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Парламент куйи палатасининг мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маъруза қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексига тегишли қўшимчалар киритиш орқали чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш кетиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланадиган солиқ тўловчиларга айрим солиқ имтиёзларини бериш тақлиф этилмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши санитар тозалаш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларда узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини рағбатлантириш ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматларнинг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси яқунда депутатлар "Ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилишга оид қонундаги нормаларнинг ижроси юзасидан" юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ички ишлар вазири П.Бобожоновнинг жавобини кўриб чиқиди.

Мажлисида Бош вазир ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазири Ж.Қўчқоровга, Бош вазир ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ж.Ходжаевага "Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва улардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар тўғриси"даги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровларини юбориш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Кимлардир билиб-билмай, тушуниб-тушунмай парламент фаолиятини танқид қилишга уриниши мумкин. Қайсидир томондан эҳтимол, уларни ҳам тушуниш мумкин. Лекин бугун парламентимиз ўзгарпти, баъзида жahlчи чиқиб, баъзида табассум қилапти. Бир сайловчи сифатида бундан доим хурсанд бўламан.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири

ҚҲҲИ ПАЛАТА ҲЗ ҚАРОРИНИ АЙТДИ. СЕНАТ НИМА ДЕРКИН?

КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚҲП МУҲОКАМА БҲЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ОХИРИ ТАСДИҚЛАДИ. СЕНАТГА ЮБОРИЛДИ. ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БИЛАН БОГЛИҚ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПАРЛАМЕНТГА 2020 ЙИЛДА КИРИТИЛГАН ЭДИ. УНДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН МЕЪЁРЛАР БОШҚА ҲҲЖАТЛАРДА БОРЛИГИ САБАБЛИ ДЕПУТАТЛАР ЛОЙИҲАНИ ТҲХТАТГАНДИ. ОКТАБРЬ ОЙИДА БОШ ПРОКУРАТУРА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚДИ. ЛЕКИН У ҲАМ ДАРРОВ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ. ДЕКАБРЬ ОЙИГА КЕЛИБ, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПАРЛАМЕНТ ҚҲИИ ПАЛАТАСИДА ТҲЛИҚ ҚҲЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ. НИМА БҲЛДИ ҲЗИ?

**Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, Ҳзбекистон ҲДП фракцияси
аъзоси:**

— Аввалги мажлисларда баъзи тушунчаларда саволлар бўлгани сабабли аниқлик киритиш керак эди. Тузатишлар, қўйилаётган талабларни атофлича ўрганишга эҳтиёж бўлди. Шунинг учун узоқ муҳокама утказилди. Яна бир сабаби соғлиқни сақлаш кодекси устида иш олиб бориляпти. Қўлаб асосий тушунчалар ва талаблар ўша ҳужжатдан ўрин олаётгани учун ҳам тақлиф этилаётган баъзи тақлифлардан воз кечиш ёки тузатишга тўғри келди. Ҳозирча маъмурий жавобгарлик бўйича ўзгартириш билан чекланилди.

Қонун лойиҳаси нима ҳақда? Гап шундаки, охириги пайтда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳолатлари ортмоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморлар соғлиғининг ёмонлашиши ёки ўлимида асосиз равишда айблаш, шунингдек, шифокор ва ўрта тиббиёт ходимига тажовуз қилиш ҳолатлари юз бермоқда. Лекин уларни жазолаш амалиёти қийин эди.

Чунки Ҳзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимига нисбатан турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик, унинг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри

маъмурий жавобгарлик белгиланмаган эди.

Шунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган янги модда билан тўлдирилмоқда. Унга қўра, **тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.**

Ушбу қонун қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига турлича ара-лашуларнинг олдини олишга, шифокорлик касбининг мақоми ва нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

**Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, Ҳзбекистон ҲДП фракцияси
аъзоси:**

— Бу масала Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан очик мулоқотида ҳам кўтарилган эди. Охириги пайтларда тиббиёт ходимларига нисбатан зўравонлик, куч ишлатиш, минг афсуски, ёмон одатга айланиб бормоқда.

Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган, ҳаётда биз гувоҳи бўлаётган воқеалар жиддий тус олиб бормоқда. Тўғри, фуқаро энг яқин инсон беморлигидан стресс ҳолатида ноқонуний ҳаракат қилиши мумкин. Ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётгандир, балким. Буни ҳам тушуниш мумкиндир, лекин жисмоний тажовузни барибир оқлаб бўлмайди.

Шунинг учун Бош прокуратура томонидан фуқароларга жазо қўлланилиши билан боғлиқ қонун лойиҳаси киритилди. Бу қонун кўп муҳокама, баҳсли мунозараларга сабаб бўлди. Муҳокамада фуқаронинг тушунлиқ вақтида бўлгани учун жазолаш керак эмас, деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Лекин тиббиёт ходимининг айби бўлмай туриб, тўғридан-тўғри тажовузга учраши инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Тан жароҳати ёки руҳий босим натижасида ходимнинг маълум бир муддат ишдан узоқлашишига тўғри келмоқда. Бу эса унинг моддий аҳволигагина эмас, бир қанча бемор тиббий ёрдамсиз қолишига сабаб бўляпти. Ваҳоланки, тиббиёт ходимлари қанча бўлса, шунча эҳтиёж бор, талаб бор.

Шунинг учун бу масала сайловчилар ўртасида ҳам, депутатлар ўртасида ҳам қизғин муҳокама қилинди. Тақлифлар ҳар хил бўлди, охири бир тўхтамга келинди. Қонун кучга кирса, энди муштумзўрлар энг кам иш ҳақининг бир неча баробари миқдоридан жараима, жиддийроқ ҳолатларда эса 15 суткагача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мумкин. Ўйлаймики, депутатларимиз тўғри қарор қабул қилди.

ТИББИЁТ ХОДИМИГА ИМТИЁЗ ЭМАС, ҲИМОЯ

Бизни мулоҳазага чорлаган яна бир ҳолат шуки, бу масалада ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ваколатлари анча кенг. Уларга қўл кўтариш бир ёқда турсин, баланроқ овозда гапириш ҳам жавобгарликка олиб бориши мумкин.

Масалан, ИИБ ходими хизмат вазифасини ўташ пайтида уларнинг қонуний талабларига бўйсунмаган фуқаролар жавобгарликка тортилади. Камига ходимларнинг ёнида ўқотар қуроли ёки бошқа бирор аслаҳаси ҳам бўла-

ди, яъни улар ўзини ҳимоя қилиши мумкин. Аммо кимнинг ҳаётини қутқариш, дардига дармон бўлишга ҳаракат қилган тиббиёт ходими зўравонликка учраса ҳам аниқ жавобгарлик йўқ. Бу адолатдан эмас, деб ҳисоблайди депутатлар. Тиббиёт соҳасининг аксарият ходимлари ҳам шу фикрда.

ЛЕКИН ТИББИЁТ ХОДИМИ ВИЖДОНСИЗ БҲЛСА-ЧИ?..

Тўғри, беш қўл баробар эмас. Ишига масъулиятсизроқ, вазифа ва бурчини бажармайдиган, виждони ҳаминқадар тиббиёт ходимлари ҳам, афсуски, учраб туради. Бироқ ҳар қандай ҳолатда инсонни қонун жазолаши керак.

Тахлилларга қўра, бемор яқинлари ёки бошқа шахслар томонидан зўравонликка учраган, таъзиқ остида қолган 5 кишидан бир нафаригина тегишли ташилотларга мурожаат қилган. Бунга сабаб эса амалдаги жиноят қонунчилигида хизмат вазифасини бажариб турган тиббиёт ходимларига нисбатан тажовуз қилиш, уларга бу жараёнда тан жароҳати етказиш учун жавобгарлик чоралари нисбатан енгил экани айтилмоқда.

Қонунчиликдаги меъёрлар оқибатида хизмат вазифасини ўтаб турган тиббиёт ходимларининг соғлиғига тиклаб бўлмайдиган даражада жароҳат етказган шахслар ҳам жазосиз қолиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса тиббиёт ходимларига ўзларига нисбатан содир этилган тажовузлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишдан ҳеч қандай наф йўқ, деган тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлаётган экан. Ваҳоланки, беморнинг ўлими ёки соғлиғи ҳолати ёмонлашишида ҳеч бир алоқаси бўлмаса-да шифокорни айблаш ва унга тажовуз қилиш жиноят, ҳуқуқбузарлик, деб баҳоланиши зарур.

Қонунни парламент қўйи палатаси тасдиқлади, ҳали Сенат муҳокамаси бор. Сенаторларнинг ҳулосаси, қарори қандай бўлади, деб ўйлайсиз?

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ҳзбекистон овози” муҳбири.**

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ЎЗГАЧА ОЛАМИ

**БУГУН ҲУДУДЛАРДА ЯНГИЛИКЛАР ҚҲП, ОДАМЛАРНИ
ЎЙЛАНТИРАЁТГАН, ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАР
ҲАМ ОЗ ЭМАС. ЮТУҚЛАРДА ҲАМ, ТҲҲРИСИНИ АЙТГАН-
ДА, КАМЧИЛИКЛАРДА ҲАМ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ОЗМИ-КҲПМИ ҲИССАСИ БҲЛАЯПТИ.
УЛАРНИНГ ҚАЙТА ИШЛАНМАГАН, ЗЕБ БЕРИЛМАГАН
ФИКРЛАРИ, ҲУЛОСАЛАРИДАН ҚҲП МУҲИМ НАРСАЛАРНИ
ТУШУНИШ МУМКИН.
МУҲБИРИМИЗ ДЕПУТАТЛАРГА АЙРИМ САВОЛЛАР БИ-
ЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ.**

**— Ҳудудингизда қандай ўзга-
ришлар бор?**



**Жаҳонгир АКРАМОВ,
халқ депутатлари Фарғона
шаҳар Кенгаши депутати:**

— Яқиндан 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори бўйича ҳудудларга маблағ ажратилляпти. Қарор ижроси, маблағлар манзиллиги бўйича назорат, албатта, маҳаллий Кенгашлар, хусусан, биз, депутатларга топширилган. Қайси қўча таъмирсиз бўлса, асфальтлаштирилади, янги трансформатор ўрнатилади, газ, сув таъминоти масалалари яхшиланади. Мисол учун, “Жойда” маҳалласининг 15 км. қўчаси асфальтлаштирилдиган бўлди. Ахир бунга етадиган маблағни неча йилларда оларди? Бу каби ишлардан аҳолининг кайфияти кўтарилади.

**— Ечимини қутаётган қандай
масалалар турибди?**

— Сайлов округимга қирадиган 2 та маҳалла бор. Ҳудудимиз шаҳриятнинг марказида бўлиб, асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Маълумки, бундай уйларда асосан коммунал хизматлар масаласида муаммолар учраб туради. Менга ҳам бу бўйича кўплаб мурожаатлар бўлади. Айни пайтда ширкатлар бошқарув компанияларга айланиб, уйлар биттабитта уларнинг тасарруфига олинляпти. Аммо қиш-қировли кунларда бу ишлар бироз тезлашиши, аҳолига қулай шароитлар яратилиш керак. Янги қурилган уйларда ҳам аҳвол шу. Қурувчилар фойдаланишга топшириб, уларнинг хизматларини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Ваҳоланки, қурилиш фирмаси уйлар ҳолатини бир йил назоратига олиши керак. Бу масалаларни, албатта, сессияларга олиб чиқишга ҳаракат қилишимиз ва тегишли депутатлик сўровлари юборилмоқда. Аммо гап фақат унда эмас, масаланинг ечимида. Депутатлик сўровлари шунчаки умумий жавоблар билан чекланмаслиги, мутасаддилар ўз ишларига эътиборли бўлган ҳолда, муаммолар ҳал этилишига кўмаклашишимиз лозим.

**— Маҳаллий Кенгашлар фао-
лиятини кучайтириш учун қандай
тақлифларингиз бор?**

— Яқинда сессияда қурилиш бўйича ҳоким ўринбосарининг ҳисоботини эшитмадик, буни маъқул топмадик. Олдин депутат ким дерди? Ҳозир сал ўйлаб муомала қилишда, ташилотларга бирор масалада эътироз билдира оламиз. Лекин ҳамон бу тўлиқ эмас. Яъни, тизимни янада кучайти-

риш керак. Шундагина ҳудудлар ривожланади, аҳолини ўйлантираётган масалалар ечим топади.



**Гулзаҳро САИДБОЕВА,
халқ депутатлари Бўка туман
Кенгаши депутати:**

**— Айни пайтда депутат сифа-
тида сизни нималар ўйланти-
рапти?**

— Ҳудудим туман марказидан 30 км. узоқликда жойлашган. Урта маҳалла бор. Бизда биринчи галдаги муҳим масала – йўл. Қўчалар талабга умуман жавоб бермайди. Айрим жойларига ҳоким кўмаги билан ёзда шағал тўқтирдик. Одамларнинг ишга, болаларнинг ўқишга боришлари бор. Йўл ёмон бўлса, аҳолининг кайфияти ҳам, ишлаш, ўқиш қобилияти ҳам шунга яраша бўлади.

Қишлоғимизга газ келмаган. Одамлар бу масалада жуда кўп мурожаат қилишди. Буни масъулларга кўп бора айтман, депутатлик сўровлари юбораман. Лекин фойдасиз. Маҳалламизда умуман боғча йўқ. Мен раҳбарлик қилаётган мактаб ҳам мослаштирилган бинода жойлашган. Ўқувчилар 2 қаватли боғча ўрнидаги мактабда таҳсил олишди.

Қишлоғимизда кўпчилик хотин-қизлар ишлашни, ёшлар турли касбуналарни ўрганишни исташди. Ҳудудимизда тикув цехи, спорт заллари, ўқув курслари бўлишини

хоҳлаймиз. Бу масалаларни кўп бор сессияларга киритишга уриндим. Туман ҳокимлиги қўлдан келганча кўмаклашляпти, халқ таълимига ҳам депутатлик сўрови билан чиққанман. Мутасаддилар келиб бундан ҳам оғир ҳудудлар борлигини айтишди. Чунки чекка бўлса ҳам, жойимизни озода сақлашга, обод қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳудудимиз “Обод қишлоқ” дастурига тушишига умид қилишдан бошқа иложимиз йўқ.

Тақлифларингиз...

— Тақлифим ҳам шу: чекка ҳудудларга кўпроқ эътибор берилишини истаймиз. Маҳаллий бюджетдан маблағ кўпроқ ажратилса. Болалар кутубхонаси, боғчалар қурилса, халқимиз, қишлоғимиз аҳли хурсанд бўларди. Биз депутатлар ҳам бекорга депутат бўлмаганимиз, маҳаллаларимизга нафимиз тегишидан мамнун бўлардик. Ҳаракатдамыз, тўхтаб қолганимиз йўқ. Айтишди-ку, тақлилатилган эшик бир куни очилади, деб. Ташаббусларни сессияларга кўтараверсак, ваколатимиз бор, қўлдан келганча, кучимиз етганча ҳудудимиз ривож учун курашамиз.



**Раҳима ҚОЗОҚОВА,
халқ депутатлари Нурота
туман Кенгаши депутати:**

**— Ҳудудингиз ривож учун
қандай тақлифларингиз бор?**

— Туманимизда янгиликлар

кўп, ўзгаришлар кўп. Биргина мисол айтадиган бўлсам, «Навой кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти 2026 йилгача режалаштирилган 6-йирик гидрометаллургия заводи кўрмоқда. Туманимизда ҳам замонавий завод қурилиб, янги иш ўринлари яратилади. Натижада ҳудудимиздаги бандлик масаласи анча ечим топади, одамлар иш билан таъминланади. Ойлик даромад топиб, рўзғори янада бут бўлади.

Мен истардим ана шу завод қурилишида ҳам ҳудудимиз аҳолиси иштирок этса, ишлашни истовчилар ишга олинса. Ҳозирда ҳудудимизда биттагина тикув корхона бор. Аммо куни билан ишлайдиган хотин-қизларнинг ойлик маоши талаб даражасида эмас. Ёшлар ўқув марказлари очирилиши хоҳлашади. Сайлов округим туман марказидан олисда бўлгани учун у ердagi мономарказларга бориш учун имконият кам. Йўл пули, харажат, вақт масалалари бор. Ҳудудимизнинг кичик масканимизда ҳам ўқув курслари ташкил этилса, бундан нафақат ёшлар, балки жамият ҳам фойда қўришига ишонамиз.

— Депутатлик сизга нима берди?

— Депутат сифатида кўрсатадиган, айта оладиган ишларим бор. Аммо улар ўз йўлига. Муҳими, депутат сифатида мен сайловчиларга нима бера олишим, уларга қандай нафим тегиши... Депутатлик ваколатларига бир қўшимча киритилишини истардим. Майли, бу оддий тақлиф бўла қолсин, ўз ҳуқуқларини билмайдиган, ҳуқуқий тушунчаси, билими йўқ оддий одамларни кафолатига ола олса, уни қайсидир вазиятларда депутат сифатида ҳимояга олса, дейман.

Менга бу масалаларда кўп мурожаатлар бўлади. Аммо бу ишни қиловмайман. Тўғри, ҳуқуқ-тартибот идоралари бор. Аммо маҳалла, ёшлар ишлари агентлиги каби ташилотларда кафиликка олиш, енгил масалаларда уларни ҳимоялаш тартиби бор-ку. Депутатларда ҳам шундай имконият бўлишини хоҳлардим. Боиси, уларни жазолашдан қўра қандайдир кўмак бериш, иш билан таъминлаш, кредит олишларини қўллаб-қувватлашимиз маъқул деб ўйлайман. Хуллас, депутат баъзи масалаларда сайловчи ҳимоячиси ҳам бўлиши керак.

**Гулрўх ОДАШБОЕВА,
“Ҳзбекистон овози” муҳбири.**

IZON

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАРКАЗИЙ БАНК,

ДОЛЛАРЛАШУВ

ҚАНДАЙ КАМАЯДИ?

МАРКАЗИЙ БАНКИ РАИСИ МАМАРИЗО НУРМУРОДОВ МАЖБУРИЙ РЕЗЕРВЛАРНИНГ 18 ФОИЗГА КЎТАРИЛИШИ ВА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАСИНИГ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИГА ҚАРАГАНДА ЖОЗИБАДОРЛИГИ ТАБИЙ РАВИШДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДОЛЛАРЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИБ БОРИШНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТГАНДИ.



Шунда келиб чиққан ҳолда, муҳбиримизнинг Марказий банк томонидан долларлашув даражасини камайтириш борасида қандай амалий ишлар қилинаётгани билан боғлиқ саволларига Марказий банк департаменти директори Акмал Назаров қуйидагича жавоб берди:

– Долларлашув даражасининг юқорилиги Марказий банкнинг нархларни барқарорлаштириш учун олиб бораётган пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини пайсатирди. Шу хижатдан аҳолининг валюта курси ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги юқори экани инобатга олиниб, банклар томонидан жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар ажратиб қонунан тақиқланган. Шунингдек, мажбурий захиралаш инструментидан ҳам долларлашув даражасини қисқартиришда фаол фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, долларлашув даражасининг юқорилиги нархларни барқарорлаштириш учун олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини пайсатирди.

Бундан ташқари, банклар томонидан жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар ажратиб қонунан тақиқланган. Қолаверса, аҳолининг валюта курси ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги юқори эканлиги сабабли ҳам уларга хорижий валютада кредитлар тақдим этилмайди.

Шунингдек, инфляция таргетлаш режими чора-тадбирлари таъсирида ўрта муддатли истиқболда инфляция даражаси пасайиши билан Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳам мос равишда пасайтириб борилади. Натижда, иқтисодиётда кредитлар бўйича фойза ставкаларининг пасайиши ва унинг таъсирида кредитлар долларлашувининг қисқариши кутулмоқда.

– Тижорат банкларида долларлашув даражаси ва уни қисқартириш бўйича қандай чоралар кўрилмоқда?

– Кредит ва депозитларнинг долларлашув даражаси жорий йил сентябрь ойининг охирида мос равишда 46 ва 38 фоизни ташкил этиб, юқориликча сақланиб қолмоқда. Иқтисодиётдаги долларлашув даражасининг юқорилиги нархларни барқарорлаштиришнинг пировард мақсадига эришишда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини пайсатирди. Кредитларнинг долларлашув даражаси хусусий ва давлат

улушига эга корхоналар томонидан хорижий валютадаги кредитларга талабнинг нисбатан юқорилиги, иқтисодиётни кредитлашда ташқи молиялаштириш манбалари улушининг устунлиги ва хеджирлаш воситаларининг йўқлиги кредитлар долларлашувининг юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Валюта курси ўзгаришларини ҳисобга олмаганда, кредитларнинг долларлашув даражаси сўнгги бир ярим йил давомида пасайиб бормоқда (2021 йил апрелдаги 43 фоиздан жорий йилнинг сентябрь ойида 39 фоизгача).

Бу, асосан, нархларнинг глобал ўсиши ва инфляциявий хатарларнинг кучайишига жавобан жаҳон молия бозорларида фойза ставкаларининг оширилиши натижасида банклар томонидан ташқи ресурсларни жалб қилишда маълум қийинчиликлар юзга келиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, ички депозитларнинг кредитларни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусан, охириги 2 йилда депозитлар ўсиш суръатининг кредитлар ўсиш суръатига нисбатан юқори даражада шаклланаётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида, банкларнинг ташқи хатарларга таъсирчанлигини пайсатирди, молиялаштириш манбаларининг диверсификациясини яхшилайти ва банкларнинг нисбатан барқарор ички ресурс базасига эга бўлишига хизмат қилади.

Депозитларнинг долларлашув даражаси олдинги даврларда валюта сиёсатидаги чекловлар, аҳолининг миллий валютага нисбатан ишонсизлиги, инфляциянинг нисбатан юқори даражаси, шунингдек, муқобил жамғарма инструментларининг камлиги банкларда депозитлар долларлашув даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлган.

Жорий йилнинг I чорагида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан 5,2 фоизга кадрислашиши жисмоний шахслар депозитлари долларлашувини 34 фоиздан 37 фоизгача оширди. Бироқ, 2022 йил март ойида Марказий банк асосий ставкасининг 2 фоиз бандга ошириб, 17 фоиз даражада белгилашни ва бунинг натижасида миллий валюта алмасув курси кадрининг ортиши фониди сентябрь ойида аҳоли депозитларининг долларлашуви 32,1 фоизгача пасайди. Ўрта муддатли истиқболда миллий валютадаги депозитлар бўйича ижобий реал фойза ставкаларининг сақланиб қолиши, валюта курсининг барқарорлиги, молиявий савод-

хонлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган чоралар ҳисобига депозитлар долларлашувининг қисқариши ва миллий валютадаги жамғармаларнинг банк тизимидаги қилиб келиш ҳажмининг янада ошиб бориши кутулмоқда.

Долларлашув даражасини камайтириш чоралари Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони билан хорижий валютанинг банклар активлари ва мажбуриятларидаги улушини камайтириш, шунингдек, хорижий валютада бериладиган кредитлар турларига чекловларни жорий этиш учун макроиқтисодий шароитлар яратилиши белгиланган. Шу билан бирга, мажбуриятларнинг умумий ҳажмида хорижий валютадаги мажбуриятларнинг улушини босқичма-босқич камайтирилиши режалаштирилган.

Банклар томонидан жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар ажратиб қонунан тақиқланган. Ушбу қарорнинг асослилиги шундаки, мамлакат ичида ҳар қандай турдаги савдо ва хизматлар учун тўловлар миллий валютада амалга оширилади, бу эса аҳолининг чет эл валютасига бўлган эҳтимолий талабини қисқартиради. Бундан ташқари, аҳолининг валюта курси ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги юқори эканлиги сабабли ҳам уларга хорижий валютада кредитлар тақдим этилмайди.

Умуман, иқтисодиётда кредитлар бўйича фойза ставкаларининг пасайиши ва унинг таъсирида кредитлар долларлашувининг қисқариши кутулмоқда. Банкларга валютасиз хатарларни бошқариш орқали хорижий валютада жалб қилинган ресурслар ҳисобидан миллий валютада кредитлар ажратиб имконини берувчи банклараро валюта фьючерслари бозори ташкил этилмоқда. Банк тизимида долларлашув даражасини пасайтиришда пул-кредит ва макропруденциал сиёсат инструментларидан мувофиқликда фойдаланиш амалиёти ўрта муддатли истиқболда долларлашув даражасининг босқичма-босқич қисқариб боришига ва унинг натижасида пул-кредит сиёсати таъсирчанлигининг ошишига шароит яратади.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШУВ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Владимир Норов бошчилигидаги делегация Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Энтони Блинкен билан музокаралар олиб борди.

АҚШ Давлат департаменти раҳбари дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилда Стратегик шериклик мулоқотининг иккинчи йиғилишининг ўтказилиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Мазкур механизм нафақат икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашиш, балки мулоқотнинг устувор йўналишларини белгилаб олишга имкон беради.



Э.Блинкен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни ижобий баҳолаб, Америка томони уларни амалга ошириш жараёнида ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини билдирди. АҚШ Давлат департаменти раҳбари республиканинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, диний эркинликларни таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида эришган ютуқларини алоҳида таъкидлади.

Давлат котиби Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва англашув муҳитини мустақамлаш йўлида олиб борилаётган минтақавий сиёсатга юксак баҳо берди. Айниқса, Э.Блинкен Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги битимга эришганини олқиллади. "Менимча, бу минтақадаги ва ундан ташқаридаги кўпчиликка бундай масалаларни ҳал қилишда дипломатия имкониятларининг аҳамияти тўғрисида кучли сигнал юборади", деди Давлат департаменти раҳбари.

Савдо, инвестициялар, фан ва таълим, транспорт ва логистика соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришдан томонларнинг манфаатдорлиги таъкидланди.

Икки томонлама даражада, "С5+1" минтақавий формати ва халқаро ташкилотлар доирасидаги режалаштирилган тадбирлар жадвали юзасидан фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

ПАРТИЯМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ҲАММАГА ЎРНАК СПОРТ ТАРҒИБОТЧИСИ



Ўзининг кўп йиллик тажрибаси, босиб ўтган меҳнат ва ҳаёт йўли, самарали фаолияти билан атрофдагиларга, жамиятга ўрнак бўладиган инсонлар бисёр. Навоий шаҳар "Гулистон" маҳалласида яшовчи Ойдин Ибрагимова ана шундай фидойи, табиатан меҳнатқаш, янгиликка интилувчан, ташаббускорликка ундовчи тиниб-тинчмаган замондошларимиздан бири. Уни нафақат маҳалла, балки вилоят аҳли яхши танишади.

Меҳнат фаолиятини Жиззах вилояти Зарбдор туманида суд девонхонасида мудир вазифасидан бошлаган Ойдин опа турли вазифаларда меҳнат қилиб, элнинг ҳурмат-этиборига тушди. Айни вақтда нафақада бўлишига қарамадан, ёши улуг отахон-онахонларни спорт тадбирларига мунтазам жалб этиб келади.

Маҳаллада "Соғломлаштириш маркази" фаолиятини йўлга қўйган. Худудда жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келмоқда.

Ойдин Ибрагимова Халқаро жамоат фонди томонидан давлат грант соҳиби бўлиб, маҳалласига тоза ичимлик суви олиб келишда жонбозлик кўрсатди. Шунингдек, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича жамоат комиссияси томонидан Навоий шаҳар маҳалласида "Кексаларга эҳтиром – келажакка ишонч" номли лойиҳа учун давлат гранти ажратилишига хисса қўшди.

Жорий йилда Навоий вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси томонидан соғлом турмуш тарзини кенг тартибда қилиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори ижросини таъминлаш юзасидан "Энг интилувчан аёл" номинацияси бўйича тақдирланди.

Ойдин опа Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, ғояларини оммалаштириш ва ҳаётга таътиб қилишда ҳам ташаббус кўрсатиб келади. Маҳаллада партиямизнинг бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этиш масалаларида бошланғич партия ташкилоти этикчаси сифатида ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Ойдин Ибрагимова яқинда вилоятда ўтказилган "Йил аёли" танловида "Соғлом турмуш спорт тарғиботчиси" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Унинг ютуқлари ва меҳнатлари ҳамisha эътироф этилиши тарафдоримиз.

Замира ТОҒАЕВА,
ЎХДП Навоий вилоят кенгаши бўлими бошлиғи.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши фаоллари Тошлоқ тумани "Арабмозор" маҳалласидаги 56-сонли ОШП фаолиятини ўрганишди.

Ишчи гуруҳи тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналарнинг иш юритиши, энг зарур дори воситалари билан таъминланганлик даражаси, аҳолининг кам таъминланган қатламига сифатли ва арзон дори-дармонлар етказиб бериш қай даражада йўлга қўйилганлиги билан қизиқди. Аниқланган камчиликлар, шунингдек, бирламчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА

Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгаши депутати Нилуфар Алламуратова хотин-қизлар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганди. "Шодлик" маҳалласи, "Бўстон" шох кўчасида истиқомат қилувчи Олмаҳон Ўролова боқувчиси йўқлиги, 3 нафар фарзанди билан молиявий жиҳандан қийналиб қолгани сабабли пул маблағи сўраган. Қолаверса, аёл бел умуртқа касаллиги билан оғрийди. Ҳозирги кунда даволанишга мухтож.

Бахтигул Қосимова "Шодлик" маҳалласида яшайди. "Темир дафтар" рўйхатида туради. 5 нафар фарзанди бор. 1 нафар фарзанди ногирон. Унинг оиласида газ таъминоти қарздорлик сабаб узиб қўйилган. Фуқаро шу масалада ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Олдуз Турдалиева эгизак болалари соғликларини тиклаш, Хуршида Худоеврова ногирон фарзандини даволаш ва газ масаласида ёрдам сўраган. Мурожаатлар бўйича аҳоли билан ўрганиш олиб борилиб, уларга ҳуқуқий тушунчалар ва тавсиялар берилди. Уларнинг шароитлари таҳлил қилиниб, қонун доирасида "Саховат ва кўмак" жамғармасидан маблағ ажратилиши айтилди. Аёллар билан суҳбат давомида "Зўравонликка қарши 16 кун" шиори остида давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Ўз муҳбиримиз.

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

ҚАМОҚХОНА
ДЕВОРЛАРИНИ ҲЕЧ
КЎРГАНМИСИЗ? ТАСАВВУР
ҚИЛИНГ, УЛАР ЖУДА
БАЛАНД. УНИНГ УСТИДА
ЎРАЛИБ ЎТГАН ТИКАНЛИ
СИМЛАРИНИНГ ЭСА НА БОШИ
ВА НА ОХИРИ КЎРИНАДИ.
СИРЛИ ВА МАВҲУМ СУКУНАТ.
АТРОФДАГИ МАНЗАРА
ИЧКАРИДАГИ ҲАЁТ САБАБ
МАЪЮС ТОРТГАН, ОҒИР
ЎЙГА ЧЎМГАНДЕК ГЎЁ.
ОҒИР ДАРВОЗАЛАР ОРТИДА
БАРЧА БИР НОМ БИЛАН
АТАЛАДИ – МАҲҚУМЛАР. У
ЕРДА ЁШ ҲАМ, ЛАВОЗИМ ҲАМ
МУҲИМ ЭМАС. ҚАЛБЛАРГА
ЎРНАШГАН ПУШАЙМОНЛИК,
АЛАМ ВА ИЗТИРОБ АЧЧИҚ
КЎЗ ЁШ ШАКЛИДА НАМОЁН
БЎЛАДИ. ЯҚИНЛАР СОҒИНЧИ,
ОЗОДЛИКДА ЯШАШ
БАХТИНИНГ ҚАДРИ ЭСА КҮН
САЙИН, СОАТ САЙИН, ҲАТТО
ДАҚИҚА САЙИН ОРТИБ
БОРАДИ.



«БОЛАМНИ ҚУЧОҚЛАБ, УЗОҚ ЙИҒЛАДИМ»

Президент афв этган аёл ҳикояси

Бир неча қадамларгина ушбу оламни ташқаридаги ҳаётдан ажратиб туради. У ерда одамлар шовқини, автоуловлар овози, тирбандликда зарда билан чалинаётган сигнал товушлари... Ҳар дақиқада учраб турадиган бундай ходисалар кимларнидир бевозта қилиши аниқ. Аммо деворнинг у томонидagi кишилар учун ана шу ҳаётга қўшилиб кетиш ҳар оқшом кўриладиган туш, кундузлари хаёлни банд қилган орзулардир.

Вужуддан дармон, юракдан ҳаловат қочган бир паллада давлат раҳбарининг битта имзоси, тасдиқланган биргина ҳужжат юзлаб хонадонга яна умид берди. Президент фармони билан неча-неча ҳамюртимизнинг ҳаётига ранг, оиласига кулгү қайтди.

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан Шавкат Мирзиёев афв тўғрисидаги ҳужжатни имзолади ва бу орқали мустақил мамлакат тарихида илк бор 400 нафардан ортиқ маҳкум кечирилди. Фармонга кўра, озод этилган 402 кишининг 17 нафари хорижлик ва 63 нафари аёллар. Хусусан, 223 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Оксана Ковалева ҳам ана шундай афв этилганлардан бири. У 1978 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган. Айни пайтда Миробод тумани "Иноқобод" маҳалласида доимий рўйхатда туради. Ҳужжатларга мувожаат қиладиган бўлса, бу аёл ўзининг 14 йил давомида оқ ювиб, оқ тараган боласини сотишга уринган. Аёлнинг ўзи эса қизини сотиш нияти бўлмаганини таъкидлайди. Умрининг 19 ойини панжара ортида ўтказган суҳбатдошимизнинг ҳикоясини унинг тилидан сўзлаб берамиз.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИНИНГ ТАРБИЯСИ

Ўз оилани танимаган ва умуман улар ҳақида билмаган. Ягона билган нарсам – Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида дунёга келгани ва онам 3 ёшимда Меҳрибонлик уйига олиб келгани. Меҳрибонлик уйида тарбияландим. Кичик ёшимдан оқ мустақил равишда оёқда туриш кераклигини тушуниб етдим. Тўғри, қорнимиз тўқ, устимиз бутун эди. Аммо қалбимиздаги кемтик ўрнини ҳеч нима тўлдиролмади.

1995 йилда Меҳрибонлик уйдан чиқдим, Чилонзордаги билим юртига юборилдим. Ўз соҳам бўлмагани учун узоқ ишломмадим. Ярим йил ўтиб, кетишимга тўғри келди. Шу тарихида у ер, бу ерда ишлаб юрдим. Турмуш ўртоғим билан 2001 йилда танишганман. Бир кўришдаёқ шу йигит меники бўлади, деган қарорга келганман. Аввалига у бунга ишонмаган. Кейинчалик биз оила қурдик. Бошимиздан қандай кун ўтишига қарамасдан, доим бир-биримизга елка тутдик. 2008 йилда узоқ кутилган фарзандим, яъни кизалоғим туғилди. Орадан 10 йил ўтиб, ўғилли бўлдик.

Айни пайтда биз яшаб турган хонадонда болалар учун ҳам, ўзимиз учун ҳеч қандай шароит йўқ. Шу сабаблани турмуш ўртоғим билан охириги йилларда жанжалларимиз кўпайиб кетди. Келишмовчиликлар шу даражага етдики, ҳар кун нимадир содир бўлиб, тортишардик. Бу эса болаларимга ҳам таъсир қилмай қолмади. Тўғри, қизим улғайиб қолган эди. Лекин ўғлим жуда нимжон бўлиб, тез-тез хасталаниб қоларди. Турмуш ўртоғим иккимиз ишласак-да, пул етказиш қийинлашиб борди...

БОЛАМНИ СОТИШ НИЯТИМ БЎЛСА, 14 ЙИЛ КУТМАС ЭДИМ

Ишдан кўркмайман ва ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман. Чунки болалар уйда шунақа тарбия олганмиз. Бу ишга қўл уришимга сабаб қизим менингдек ҳаёт кечиришини истамадим. Менинг қорним нонга тўймасди. Меҳрибонлик уйдан кейинги ҳаётимни эслашни ҳам истамаман. То турмуш ўртоғимни учратмагунимча кўча тарбиясини олганман, кўчадаги тартиб-қоида асосида яшаганман. Шунинг учун боламга яхшироқ ҳаёт тақдим этиш мақсадида бойроқ оилга беришга қарор қилдим.

Ўтган йили ўғлим билан шифохонада даволандик. У ерда бир аёл билан танишиб ва у билан дугона бўлиб қолдик. Даволаниб чиққандан кейин ҳам алоқаларимиз давом этди. Аввалига у билан кўча-қўйда сайр қилиб юрдик. Кейинчалик, яъни 2021 йилнинг май ойларида бир кафеда учрашадиган бўлдик. Суҳбатларимизнинг бирида у бир дугонаси борлиги ва у фарзанд кўролмаглигини айтиб қолди. Бунга сабаб эса янги дугонамга уйимдаги шароит, йўқчиликдан қийналганим ҳақида айтиб берган эдим. Фарзандсиз аёл нега болалар уйдан фарзанд асраб олмаслиги ҳақида сўраганимда айрим муаммолари борлиги учунлигини билдирди. Кейин иккала мизни учраштирди. Бу воқеа 15 майда содир бўлди. Биринчи учрашувимиздаёқ отаси билан қолишни истамаган қизимни ҳам бирга олиб боришга мажбур бўлдим. Лекин қизимни бошқа хонадонга бериш ниятим ҳақида унга айтмадим. У суҳбатимизни эшитмади.

Орадан икки кун ўтиб, яна кўришдик. Бу сафар қизим ва ўзимнинг ҳужжатларимни овозладим. Менинг мақсадам қизимни унга сотиш бўлмаган. Шунчаки расмий равишда уни ўзига тўқ аёлга топширишга келишгандим. Аслида эса уни пуллаш ниятим бўлмаган. Қарз сифатида 3500 доллар олиб, уйимни таъмирлайман, кейин эса расмий равишда аёлга қизимни хатлаб бераман, деб ўйлагандим. Уни устига қизим дадаси билан ҳеч келиша олмасди. Уйимиздаги умуман йўқ шароит сабабли эрим билан жанжалларимиз тўхтамасди. Йўқчиликдан чиқишнинг бошқа йўлини тополмадим. 17 май куни кўришганимизда эса қўлимга мен сўраган пулларни беришди. Қизимга ҳам у аёлнинг ўзини тутиши, устидаги кийимлари маъқул келгани. Ўша аёлга фарзанд бўлишга розилиги, камбағаллик жонига текканини айтганди. Бу гаплар ҳам қарорим тўғрилигини исботлагандек бўлди. Шу тарихи мен уни ўзимникига ўхшаш такдирдан қутқариб қоламан, деб ўйлаган эдим.

Келишувимизга кўра, уйимни таъмирлаб олишга қадар икки ҳафта давомида қизим ўша нотаниш аёлнинг уйда яшаб туриши керак эди. Агар унга маъқул келса, ёқса, кейин ҳужжатларни расмийлаштиришни режалаштирдик. Менинг хаёлларим хом, қўйган қадамим эса пуч бўлиб чиқди. Пулни олган вақтимда тузоқда эдим.

19 ОЙ ҚАНДАЙ ЯШАДИМ, БИЛМАЙМАН

Бир йилу етти ойи ёпиққа қолган бўлсам, шу вақт ичида фақат ва фақат болаларим ҳақида ўйлардим. Дастлабки ойларида ҳатто томоғимдан овқат ўтмасди. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймонда эдим. Қизим мени кечиришини туну кун Худодан сўрадим. Чунки у қамоқда ёзган хатларимга жавоб бермасди.

Биласизми, у ерда вақт жуда секин ўтади. Атрофдаги совуқ манзара қилбларни ҳам музлатиб ташлайди. Умидсизлик, пушаймонлик, баъзиларда эса аламзадалик

ҳам бор. Бошдан ўтказмагунча билолмас экансиз. Даҳшатли тушга ўхшайди худди. Чунки бу вақт орасида фақатгина турмуш ўртоғим билан кўришиб турдим. Ўғлимни умуман ёнимга келтирмадим. Менинг аянчли, ночор аҳволимни кўришини истамадим.

Ҳар кунни уйга қайтишим, улар мени қандай қўтиб олиши, озодликка чиқиш, тоза ҳавода сайр қилиш ҳақида ўйлардим. Болаларимга хатоларимни унуттира оламанми-йўқми, деган хавотирдан ухломмасдим кечалари. Кейинги ҳаётимни тасаввур қилиш қийин эди. Ҳаммадан ҳам қизим бу воқеаларни эслашини ва шу орқали ҳаётини захарлашини истамадим. Қизим нафақат менга, балки бутун дунёга исён қилган, ҳаммадан ҳафа бўлган кайфиятда, жуда тушкун ҳолатда қолди. Афсусдаман. Аммо ҳаммасига кеч бўлганди.

Уйга қайтганимда 4 ёшли ўғлим мени танимади. Онаси эканимни айтганимда, биринчи берган саволи "энди ҳеч қаёққа кетиб қолмайсизми?" бўлди. Ўша пайтдаги қалбимдаги оғриқни тушунтириб бера олмайман. Боламни қучоқлаб узоқ йиғладим. Уни кўриштириб юбормаслик учун кўз ёшларимиз йиғладим. Қизимга ҳаммасини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ҳозир қаерга борсам, қизим ортимдан қолмаяпти. Яна хато қилиб қўйишим, қамалиб қолишни мумкинлигидан хавотирда. Чунки ўша пайтда ҳам негадир қизим менга қандайдир фалокат бўлишини ҳис қилаётганини айтганди. Гўдагимнинг сўзларига қулоқ тутганимда, балки буларнинг ҳеч бири бошимизга тушмасмиди. Бундан буён унинг ишончони қозониш, ўғлим ва қизимни тарбиялаш ҳақида ўйлаяпман...

Йўқчиликдан халос бўлиш, рисоладагидек яшаб ҳақидаги хаёллар суҳбатдошимизнинг адашишига сабаб бўлгандир, балким. Балки чиндан ҳам қизини пуллашни истамагандир. Ўзи таъкидлаганидек, бундай нияти бўлса, 14 йил қийналиб бола боқмас, уни гўдаклигидаёқ сотиб юрган бўлмасмиди?

Икки нафар фарзандини қийнаиб боқиб, тарбиялашдан кўра бирини бойроқ кимсага бериш ва бунинг учун олган пулни иккинчисининг яхшироқ яшаши учун сарфлаш истаги ҳам бўлгандир. Саволлар кўп.

Муҳими, умрининг 19 ойини панжара ортида ўтказган аёл бугун фарзандлари ёнида. Тикувчилик қўлидан келиши инobatга олиниб, унга иш ҳам тақлиф қилинмади. Қалбдаги пушаймонлик ўз ўрнини янги мақсадларга бўшатиб бераётган бўлса-да, жамиятга мослашиб кетиши учун кўмакка муҳтож.

Унинг сўзларига кўра, аёл илтимоси, пушаймонлиги инobatга олинишига умид қилган, лекин ишонмаган экан. Келгуси ҳаёти ҳақида эса умуман тасаввурни йўқолган. Шу сабабли жазони ўташ муддатда ишлаб, топган пулини фарзандларига юборишни ҳам ўйлаб қўйган экан.

Ҳаётда ажиб ҳодисалар рўй беради. Хато қилишга мойил одам айбига иқдор бўлиши, тан олиши ва пушаймонлик ҳис қилиши ҳақиқий жазодир.

Президент афв этди. Энди унда хатони тузатиш, нияти яхшилиги, болаларини севишини исботлаш учун имкон бор. Уларни билсангиз, танисангиз, ҳеч маломат қилманг, қўлингиздан келса, ёрдам беринг. Нафрат, надомат эмас, яхшилик кўпайсин.

Зилола Анвар қизи.

СУДЬЯ МИНБАРИ

ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИНДИ

Кассирлик масъулиятли иш. Тийин-тийинни ҳисоблаб жойига қўйиш керак. Аммо акциядорлик тижорат Халқ банки Бухоро вилоят филиали касса амалиётлари универсал кассасининг кассири Б.С. қасддан жиноят содир этган.

Гап шундаки, Бухоро вилоят ИИБ назорат-тафтиш инспекцияси томонидан вилоят ИИБ ЙҲХБ рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимида 2021 йил 1 январдан 2022 йил 1 апрелга қадар бўлган вақт оралиғида кўрсатилган хизматлар учун ундирилган давлат божларининг тўлиқ ундирилиши ҳамда ҳисоби юритилиши текширилганда қатор саволларга жавоб излашларга тўғри келди.

Маълум бўлдики, кассир оз эмас, кўп эмас 99221415 сўм нақд пулни вилоят ИИБ ЙҲХБ-нинг тегишли ҳисоб рақамига кириш қилмай, талон-торож қилган экан.

– 696 ҳолатда жами 99221415 сўмлик тўловларни банк дастурида кўрсатмасдан кассага кириш қилмаганман, – деди судда судланувчи Б.С. – Квитанцияларни компьютердан чиқариб, штамп билан муҳрлаганман. Бу ишни ўзим қилганман. Бошқа бирор шахснинг бунга алоқаси йўқ. Пулни оиланинг эҳтиёжи учун ишлатиб юбордим. Қилган ишимдан пушаймонман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгилроқ жазо берсангиз...

Суд судланувчининг жиноят содир этганидаги айби дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмалари, текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган қитанциялар, маълумот ва бошқа ашёвий дадиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган, деб ҳисоблади.

Суд судланувчи Б.С. айбига иқдор бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инobatга олиб, жазо тайинлади. Кассирга 1 йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат улуши бўлган корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Яшин НИЁЗОВ,
жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар
суди раиси.

КЕГЕЙЛИДА «АЁЛЛАРГА КЎМАК» ЛОЙИҲАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Кегейли туман кенгаши томонидан «Нурли бўстон» МФЙ ҳудудида «Аёлларга кўмак» лойиҳаси ташкил этилди.

Лойиҳа аввалида Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинди.

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларининг шароитлари ўрганилиб, хоҳиш ва қобилиятларига қараб касб-ҳунарга ўқитиш, уларга хусусий тадбиркорлик ҳамда томорқа ҳужалиқларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратишда кўмаклашишиладиغان бўлди.

Партия масъуллари ва депутатлар томонидан «Аёлларга кўмак» лойиҳаси доирасида «Жўлан жоп» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи хотин-қизлар ҳам суҳбат қилинди ва муҳожатлари тингланди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Наманган муҳандислик-технология институтида ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши, Омбудсманнинг вилоят минтақавий вакили, вилоят адлия, ички ишлар бошқармаси ҳамда Аёлларни мослаштириш маркази вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида "Биз зўравонликка қаршимиз!" шиори остида "Хотин-қизлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда мутахассислар томонидан бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари, уларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда ҳимоя орденининг роли масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди, бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар олишди.

Ўз муҳбиримиз.

ADIBNING 94 YILLIGI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

Инсоният ҳаёти ривожланиб боргани сари глобал тараққиёт глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугун бир миллат ўз миллий қобилида тўлақонли, бахтли, саодатли яшashi мумкин бўлмай қолганлигини дунё чуқур англамоқда. Ўзaro бир-бирини тушуниш, бир-бирини англаш, бир-бирини қадрият сифатида баҳолаш билан эҳтиётга айланмоқда. Маданиятлараро мулоқотнинг қалб билан, онг билан, тафаккур билан ва қолверса, иймону эҳтиёт билан боғлиқ эканлигини англаш долзарб масалага айланмоқда.

Ана шундай маънавий-руҳий бўҳронлар жараёнида миллати, элати, диний эҳтиёди, танасининг ранги ва ақидаларидан қатъи назар умумий хонадонимиз бўлган Ер шарини асраш, унинг истиқболли олдида жавобгарликни чуқур ҳис қилиш Чингиз Айтматов ижтимоий фалсафасининг бутун моҳиятини белгилайди.

Инсон виждонини уйғотиш, унинг иймонини жонлантириш, мардлик, жасурлик, инсонпарварлик туйғулари кўзгатиш ҳисси адиб асарларининг туб моҳиятини белгилайди. Инсон ўзининг инсон эканлигини унутмаслиги, ўзини ўзи қадрият сифатида англаши ва жамият ҳаётида ўзини қадриятга айлантира олиш орзуси, балки армони Чингиз Айтматов бадиий тафаккурининг таянчи ҳисобланади.

Адабиётга маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий эҳтиёт нуқтаи назаридан қарасак, у ҳар бир инсон дунёқарши, ақлий салоҳияти, тафаккур тарзи бевосита ижтимоий моҳиятга эга эканлигини ва бу моҳият инсониятнинг бугунги ва истиқболли белгилайдиган асос эканлигини чуқур англаймиз. Чингиз Айтматов тасавурида инсоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши улкан ижтимоий-тарихий жараён. У диний равишда ўзини ўзи бойитиб, ривожлантириб, тақомиллаштириб борадиган тирик ҳодиса. Инсоннинг маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий даражаси жамият моҳиятини, унинг тақдирини белгилайди.

Чингиз Айтматов фалсафий тафаккурининг бутун моҳиятини умуминсоний қадриятлар ташкил этади. Қирғиз болакяйи ("Оқ кема"), Жамилага ("Жамила") ухшаган бева келинчақ сингари оддий одамлар қалби орқали бутун инсоният – у япон бўлади, инглиз бўлади, хитой ё араб бўлади, рус ёки ўзбек бўлади, бундан қатъи назар, инсон кечинмаларини, орзуларини ва армонларини, севинчларини ва ситамларини юксак маҳорат билан баён этади ва умуминсоний кечинмаларни чуқурисини ташкил этади. Шунинг учун Ер юзидаги саккиз миллиард одам Айтматов образларида ва ғояларида ўзини кўради.

Бундай ғоятда кенг тафаккур ва маънавий-руҳий занжир одамларни авлоддан авлодга боғлаб туради, оламни яхлитлигича англашга ва бир бутун Ер шари тақдирини учун жавобгар эканлигини, масъуллигини тушунишга қарайди. Охир-оқибатда Ер шари бизнинг ҳаммаимизнинг умумий хонадонимиз, нажат майдонимиз, бугунимиз ва истиқболимиз, бутун саодатимиз ва таназулимиз билан боғлиқ бўлган муқаддас маконлигини англашимизга олиб келади. Инсонпарварлик ғояларининг узундан узок, мингйилликлар қаъридан бугунгача давом этиб келадиган қадриятларини ривожлантириши, уларнинг генетик асосларини чуқур ўзлаштириш орқали тўпланган маданий қадриятлар ва ақлий тажрибаларини ишга солишимизни тақозо этади. Ч.Айтматов ғоялари ана шундай умумсайёравий моҳият касб этади.

"Мома Ер" қиссасида уруш йиллари фожеалари ифода этилади. Асар бош қаҳрамони ёши улгурок Тўлғаной ва Она-ер мулоқоти тарзида яратилган. Она образи айтиш мумкинки, Ер юзидаги барча аёлларнинг кечинмаларини, қалб изтиробларини, севинчларини андуҳларини ўзида мужассам этган. У тинчликни истади, бахтли, саодатли ҳаётни кўсайди. Зотан, хотиржам яшаш, осудалик билан турмуш кечирини инсоният орзуси! Бироқ Тўлғаной уни ҳаммадан кўра чуқурроқ тушунади, ҳаммадан кўра кенроқ тасаввур қилади. Инсон – Она ва Она замин ўртасидаги мулоқот, кўнгул изхори, дарду ҳасратлар, нафрату муҳаббат муножоти фалсафий-бадиий оҳангда баён этилган. Бу мулоқотда тинчлик ва инсонпарварлик, ватанга бўлган муҳаббат, ижтимоий тараққиёт ва саодатли ҳаёт бош ғоя қилиб олинган. Тарихий тақдирнинг аянчли даврида инсон моҳияти ва унинг ижтимоий мазмуни ғоятда юксак даражада ифода этилади.

Инсон буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилиш билан бирга айна ана шу умумсайёравий тараққиётни издан чиқаришга, инсоният мингйилликлар мобайнида эришган ютуқларини барбод этиш қудратига ҳам эга. Шу билан бирга, инсон баъзан шу даражада майда, тор манфаатлар қурбонига айланиб қоладики, бу ўзининг шахс сифатидаги қадриятини мутлақо англамаслиқдан, ўзини ўта майдалаштириб, ҳашаротлар билан тенглаштириб қўйганидан келиб чиқади. Дейлик, кундалик маиший ҳаётда икки қўшни бир қарич ер устида талашади. Бирини "Ана шу бир қарич ер меники" деса, бошқаси "Сеникимас меники", дейди. Ёқалашади, юз кўрмас бўлиб кетишади. Ваҳоланки, уларнинг оёғи остида тибган турган, инсоннинг ниҳоятда жуман, разил, пасткаш, худбин ва майдалигидан

Жуда тез ўзгараётган дунё, тобора авж олаётган манфаатлар тўқнашуви, худбинлик ўзининг янгида янги қирраларини намоён қилаётган мураккаб бир шароитда инсон кечинмаларини, қалб изтиробларини икки мўтабар она тимсолида кўриш мумкин. Бу умумдунёвий ва умуминсоний ҳаёт тақозоси, истиқбол олдидаги жавобгарликнинг ёрқин намунаси сифатида ҳар бир одам мудроқ қалбининг уйғонишига, виждонининг поклинишига олиб келади. Натижада Чингиз Айтматов фалсафаси инсон ва инсоният, одам ва олам истиқболли билан боғлиқ бўлган буюк тафаккур сифатида ўз қудратини намоён этади.



ОДАМ БЎЛИБ ТУФИЛСАММИКИН?

ёхуд Чингиз Айтматовнинг умумсайёравий изтироби

қалби зардобга тўлган Замин эса "Сенларнинг иккаланг ҳам меники" деяётганини англашмайди. Бунга ақллари ҳам етмайди.

Мома Ер ғоятда марҳаматли, муруватли, мушфиқ ва меҳрибон эканлигини тасаввур ҳам қилишмайди. Чингиз Айтматов фалсафасида оддий кундалик ҳаётдаги келишмовчиликлар, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, ўта тор манфаатпарастлик устун келган ҳолатлар орқали инсон фожеаси ғоятда чуқур таҳлил қилинади. Тўлғаной она ва Она Ер мулоқоти ана шу тарзда умуминсоний тафаккурнинг буюк чўққисига айланади.

Тўлғаной онанинг изтироблари кишилик жамияти тақдирини, инсон моҳияти, унинг маънавий-ахлоқий олами ва мураккаб, зиддиятли феъл-атвори орқали намоён бўлади. Чингиз Айтматовнинг тафаккур дунёси, унинг буюк идеаллари Тўлғаной она кечинмаларида ўз ифодасини топади. Инсон қандай жонзот? У қандай олам, деган саволга она кечинмалари орқали жавоб излайди. Тўлғаной она тимсолида миллати, ирки ва мақсадларидан қатъи назар барча оналарнинг орзу-армонларини Ер шари тақдирини билан боғлиқ бўлган ва инсоният истиқболли учун жавобгарликни ҳис қилган мушфиқ ва меҳрибон, эзгулик тимсоли бўлган умумбаширий Она образини яратди. Мома Ер – одамзотнинг онаси. Ер юзидаги саккиз миллиарддан ортик инсонга ризқу рўз, ҳаёт, бахт, саодат ҳада этаётган замин кечинмалари юксак фалсафий мушоҳада тимилоғига айланган мушфиқ онанинг гафғусор қалби яраланган, руҳияти шикаста, айна пайтада улғуров ва маҳобатли Она тимсолидир. Фалсафий мушоҳада шу даражада чуқурлашиб, умуминсоний моҳият касб этадики, Ер шарининг, бутун маъжудоднинг ўтмиши, бугунги ва истиқболли ниҳоятда дардчил, айна пайтада балан оптимистик кайфиятда кашф этилади. Бу Айтматов фалсафасининг ғоятда кенг қамровли космик кенгликлар тимсолидаги кўринишидир.

Жуда тез ўзгараётган дунё, тобора авж олаётган манфаатлар тўқнашуви, худбинлик ўзининг янгида янги қирраларини намоён қилаётган мураккаб бир шароитда инсон кечинмаларини, қалб изтиробларини икки мўтабар она тимсолида кўриш мумкин. Бу умумдунёвий ва умуминсоний ҳаёт тақозоси, истиқбол олдидаги жавобгарликнинг ёрқин намунаси сифатида ҳар бир одам мудроқ қалбининг уйғонишига, виждонининг поклинишига олиб келади. Натижада Чингиз Айтматов фалсафаси инсон ва инсоният, одам ва олам истиқболли билан боғлиқ бўлган буюк тафаккур сифатида ўз қудратини намоён этади.

Айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов асарларида битта яхлит ва узлуксиз тизим, маънавий-ахлоқий қарашлар илгари сурилади ва у концептуал моҳият даражасига кўтарилади. Айтматов маънавий-ахлоқий концепциясининг маънавий парадигмасида халқ оғзаки ижоди, афсоналар, асотирлар, ривоятларнинг бир неча минг йиллик анъанавий эволюцияси, унинг тадрижий ривожини ва кишилик тараққиёти жараёнларидаги ўрни катта аҳамият касб этади.

У оддий ривоятлардан, афсоналардан умуминсоний мантиқ излайди ва уни муваффақиятли таҳлил қилади. Афсоналар ва ривоятларнинг бугунги тезкор, шиддатли жараёнларга табиий ҳолатда боғлаб, истиқболга қаратилган, мантикий асосланган фикрларини илгари сурадики, бу адабнинг ғоятда

улкан фалсафий тафаккуридан, ҳаёт фалсафасини ғоятда чуқур англаган улкан имкониятидан далолат беради. Ана шундай ҳолатда Чингиз Айтматовни йирик файласуфига эмас, айна пайтада руҳшунос, тарихчи, этнограф, демограф, физик, астроном сифатидаям тасаввур қилиш мумкин бўлади. Унинг ҳар қандай асарларининг асосий лейтмотиви умумпланетар моҳиятга асосланади. Тарихий, фалсафий мазмуни, ижтимоий моҳияти чуқур психологик таҳлил, маънавий-маърифий ва бадиий тафаккурнинг бетакрор ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Чингиз Айтматовнинг мантикий асосларига назар ташлар эканмиз, битта буюк қадрият кўзга яққол ташланади: инсон фақат ўз шахсий ҳаётини юксак ахлоқ ва маънавият асосида кургандагина ўзини тўлақонли инсон сифатида намоён эта олади. Инсоният тараққиёти, замонавий цивилизация эса фан-техника тараққиёти билан бирга ахлоқий муносабатларни асос қилиб олмас, таназулга учрайд.

Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" романи жаҳон адабиётида кубилмаган воқеа бўлди. Филофей узрали нафақат кишилик ҳаётини, бутун борлиқни ўзгартирувчи ва айна пайтада ҳар бир инсоннинг ўзи ҳақида ўйлашига, ўзининг кимлигини, қанақа одамлигини, нималарга қодирлигини ўйлаб қўришига, англашига, ўзига ўзи муносиб баҳо бера олиш каби ички маънавий қудратга, руҳий иродага эга бўлишга даъват этадиган афсонавий воқелик. Кайҳоний монах Филофей бу оламнинг бутун кирдикорларини – яхшилиғини ёмонлигини, эзгулиғини ёвузлигини, ёруғу қоронғу томонларини фавқулодда изтироб ва кучли маънавий ирода билан очди.

Ч.Айтматов қадимги юнон мифларидан умумли фойдаланади. Дунёда жамики ёвузликлар, ёмонликлар, сотқинликлар ва мунофиқликларнинг тимсоли бўлган аёл – она Кассандранинг замонавий образини яратди. Кассандра пешонасидаги тамга унинг шаъни, борлиғи, мақсадлари ва идеалларининг ёвузлик белгиси. Романда адабнинг фавқулодда катта билимга, диний ва дунёвий фанларнинг бир неча йўналишида фикрлай оладиган ва уни синтезлаштириб ягона қиёфага жойлаштира билишдек фавқулодда фалсафий-бадиий қудратга эгаллиги намоён бўлади.

Асар моҳиятини, илгари сурилган ғояни тўлиқ англаш учун, айтиш мумкинки, фақат адабиётни тушунишнинг ўзи камлик қилади. Бошқача айтганда фалсафа, антропология, психология, мантик, тарих, социология, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, диншунослик, маданиятшунослик сингари ижтимоий фанлар қаторида табиий фанлар, жумладан, биология, анатомия, тиббиёт, физика, электроника ва информатика, генетика, ген муҳандислиги ва бошқа қатор фанлар ҳақидаги тасаввурларни ҳам тақозо этади ва асар бутун моҳиятига кўра улкан фалсафий тафаккурнинг ўзгинасидир.

Баён этилишича, муртак-эмбрион она қорнида икки ҳафталигдаёқ ташки оламни ҳис қилди. Кишилик ҳаётидаги барча яхшилиғи ёмонлик, муҳаббат, нафрат, эзгулиғи ёвузлик, бағрикенглик, мурувватлилик, ўзаро ҳурмат туйғулари билан бирга, сотқинлик, мунофиқлик, ҳасад, кўра олмаслик хисларининг ўзаро тўқнашувларини кичкина ҳужайра қила бошлайди. Ана шундай мураккаб драматик ҳолатда муртак-эмбрион "одам бўлиб туғилсаммикан, туғилсаммикан?" Бу

нобакор дунёда, инсон деган нокасу нотагон жонзот туғилган абгор бўлган, хиёнат, сотқинлик, мунофиқлик қуршаб олган иркин ҳаётда туғилишим, яшашим шартми?, деган иккиланишлар изтиробини чекади. Бу – дахшат! Бу – фожеа! Бундай ғоятда драматик ҳолатни ифодалаш у ёқда турсин, уни англашнинг ўзи одамдан махсус тайёргарликни, фалсафий тафаккурни, бой мушоҳадани тақозо этади.

Ч.Айтматов романдаги айна ана шу мураккаб ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: "Бу фантазиянинг марказий ўзгаи одам организмнинг туғилгунга қадар ҳам фикрлаш қобилиятига эгаллиги – келажакда бўладиган воқеаларга ўзининг муносабатини билдириш ва она қорнидаги ҳаётнинг дастлабки ҳафталаридаёқ фалокат сигнални узаши қобилиятининг борлигидир. Сўнгра бу қобилият сўнади, эмбрион бўладиган воқеаларга аста-секин кўникиб боради. Шундай қилиб, пешонаси тамғали Кассандраларнинг кейин туғилгидан фарзандларининг тақдирини салбий бўлади".

Демак, Кассандралар кўпайити, урчипати. Оламни ифлослик, полидлик қамраб олаятти. "Туғилсаммикан, туғилсаммикан..." Ҳали одам бўлиб улгурмаган, ҳали одам қиёфасига кирмаган ҳужайранинг мутлақ покиза, табиий ва илохий томондан стерилланган оламдаги – она қорнидаги ҳаётда шунчалик изтиробга тушиши инсон қанчалар буюк ва тубан эканлигини кўрсатмайдими?

Инсоният келажакни инкирозга учрамайтими? Айтматов буюк фалсафасининг моҳияти мана қаерда очиларди!

Ҳужайра ёвузлик тимсоли бўлган онасининг кирдикорларини сезиб турибди. Унинг феъл-атворини, қарашларини, хатти-ҳаракатларини ҳис қилаятти. Наҳотки, мен ҳам генетик жиҳатдан, ирсий боғлиқлик нуқтаи назаридан ёвузлик тимсоли бўлиб дунёга келсам, инсониятга фақат ёмонлик қилишдан роҳатланадиган бедаво одамга айлансам, деган афсус-надоматдан азоб чекаятти.

Чингиз Айтматов ҳали туғилмаган, ҳали одам шаклига кирмаган эмбрион қобилиятини бир неча ҳолатларда кўради. Жумладан, фикрлаш ва тақдирини олдиндан билиш, ўз муносабатларини билдириш, яхшилик билан ёмонликни, эзгулик билан ёвузликни фарқлаш, қаршилик кўрсатиш, рад қилиш, маълуллик ва номаълумликни ажратиш ва ниҳоят вақт ўтиши билан кўникиш.

Юқоридаги ҳолатлар кўз илғамас зарранинг ўзига хос имкониятлари. Бироқ вақт ўтиши билан мавжуд вазиятга кўникиш ҳисси инсон феноменида унинг маънавий-ахлоқий оламини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади. Кўникиш – инсонга хос. У ҳар қандай ҳаёт шароитига мослашишга эҳтиёт сезади. Бироқ бундай кайфиятнинг икки жиҳати бор. Биринчиси, инсон мажбур бўлганидан турли қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, мунофиқликлар оламида ўзини асраш, буюк идеалларини, олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун кўникишни имконият, деб тушунади. Бу маънавий юксак, маърифатли инсонларгагина хос бўлган олий фазилат.

Кўникишнинг иккинчи салбий жиҳати борки, бу иродасиз одамларни пасивлаштириди, уларнинг кайфиятида бефарқлик, лоқайдлик, боқи-мандалик, охир-оқибатда эса ҳаётдан умидсизлик иллатларини кучайтириб юборади.

Афсуски, жамиятда иккинчи тоифа

одамлар қатлами кенгайиб, Инсон деган олий хилқат ҳашоратга, қурт-қумурсқага айланиб бораётти. Улар қадриятларни кемириб, инсоний туйғуларни сўндиришмоқда. Чингиз Айтматов инсониятни, ҳаммани биринчи тоифадаги одамлар қаторида кўришни истади.

Кассандра – она! У, айтиш мумкинки, глобал маънода нацизм, фашизм ва коммунизм сингари инсон ва инсониятга қарши ёвузлик ғояларининг асосчиларини дунёга келтирган. Бизнинг давримизда эса Бен Ладен, Шомил Басаев, қолаверса, лъанати Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангонийларнинг муртад онасидир. Маиший ҳаётда эса ҳасад, кўролмаслик, фитна, иғво, сотқинлик, мунофиқлик, хиёнат ва ҳоказоларнинг волидасти!

Филофей осмондан туриб инсониятнинг ягона макони, нажат майдони Ер юзидаги фазилатлар иллатлар, яхшиликлару ёмонликлар, эзгуликлару ёвузликлар тўқнашувини кўрар экан, охир замон ҳақидаги изтиробли хулосаларга келади. Бу Чингиз Айтматовнинг Филофей образи орқали ифодаланган қалб изтиробларини ёрқин фалсафий-руҳий ақидаси. Ана шу тарзда одам ва олам, инсон ва табиат ўртасидаги зиддиятли муносабатлар фалсафий таҳлил этилади.

Буни Чингиз Айтматов қуйидагича изоҳлайди: "Агар эмбрион-ҳомила ташки дунёдан ҳеч қандай ахборот олмагаида ёки фақат яхши ахборот олганида туғилишга тўппа-тўғри йўл олган бўлар эди. Лекин, ёмон-салбий, азоб-уқубат қутилаётгани ҳақидаги ахборотлар бундай қарорга келмасликка сабабдир. Кассандра тамғаси – ҳали она қорнида яшаш охириги замонни безовта бўлиб кутаётган эмбрионнинг ичкаридан бераётган акс садосидир. Бу эса уни табиий ҳаётга интилишини йўққа чиқаришга ундайди.

Мабодо бундай салбий йўлайдиган эмбрион охир-оқибатда туғилса, бу фақат мажбур этиш оқибатида туғилишидир. У туғилганидан сўнг мажбур этилганига жавобан ўзи куч ишлатишга мойил бўлади. Бу жуда мураккаб руҳий драматизм. Дунёдаги савдойлар, жаллодлар, жиноятчилар, ўғрилар, текинхўрлар, ишқаслар, зўравонлар, сталингитлерлар ёки гитлер-сталинлар мана шу тарзда туғилдилар".

Бу ўта мураккаб, фалсафий-психологик ҳолат. Бу биологик мавжудотнинг моҳиятига ақл орқали кириш, унинг ҳолатини ва истиқболлини аниқлаш билан боғлиқ бўлган жуда катта ва айна пайтада ўта нозик тафаккурни тақозо этади. Дунёни ёвузликдан асраш мумкинми? Борлиқни, табиатни, ягона нажат ва ҳаёт манбаи бўлган Она заминни ёвуз қучлардан химоя қилиш мумкинми? Жонзотлар орасида фақат Инсонгина энг охириги ёмонликларни қилиши мумкин. Чунки унга ақл, тафаккур, фикрлаш имконияти берилган. У барча эзгуликлару ёвузликларни ақл билан қилади. Ана шуларни ўйлаганинг сари қалбининг туб-тубидан изтироб тўла нидо келади: "Ақлнинг дастидан дод!".

Одамларнинг яхши-ёмонлигини олдиндан билишга фаннинг кучи етмайди. Эмбрионнинг эндиғина уйғониб, "Одам бўлиб туғилсаммикан, туғилсаммикан?" деган ҳолатида унинг келажакини башорат қилиб бўлмайди. Бунинг иложи бўлганда эди, балки ёмонларни, ёвузларни эмбрионлигдаёқ йўқ қилиш мумкин бўлар эди. Ана шунда инсоният бунчалик қулфатларни кўрмасди. Дунё ёвузликдан қутилган, эзгуликлар авж олган бўларди. Қирғинбарот урушларга чек қўйиб, инсон ақли фақат тараққиётга, саодатли турмуш ва фаровон ҳаётга хизмат қилар эди.

Масаланинг яна бир оғир маърифий-инсонпарвар томони ҳам бор. Ахир ёвуз киши ҳам одам-ку! У қандай жиноятчи бўлишидан қатъи назар, инсон эканлигини назарда тутмоқ лозим. Яъни, одамни йўқ қилишнинг, яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ўзи жиноят. Демак, ёмонлар яхшилар билан, ёвузлар эзгулар билан абадий ёнма-ён яшайвершилади. Эзгулик тантана қилса-ку нуру устига аёлю нуру! Агар ёвузлик голиб келса, охир замон бўлади! Инсон ҳаёти бунчалик забун, тақдир бунчалик чигал бўлмас...

Чингиз Айтматовнинг тафаккур олами ана шундай кенг, ранг-баранг, изтиробли, андуҳларга тўла. Унинг инсон фалсафаси инсоннинг ўзи каби зиддиятли. Аммо журъатли, жасоратли, ўта қатъиятли. Даҳолик қудрати эса унинг ғоятда эзгулиғида, неқбинлиғида, оламни яхлитлигича, инсониятни бир бутунлигича идрок этишида!

Хулоса қилиб айтганда, Чингиз Айтматов бутун моҳияти билан жаҳон маданиятининг феномени. Унинг фалсафасини, даҳолик қудратини Инсон деган буюк ва айна пайтада мубҳам олам сир-синоатларини, бутун зиддиятлари, қарама-қаршилиқлари ва ғоятда улкан интеллектуал салоҳиятининг бадиий таҳлили орқали кишилик ҳаётининг истиқболдан башорат, деб тушуниш мумкин. Бу маҳобатли фалсафий тафаккур глобал дунёни ва инсониятни асрашда, кишилик тараққиётида эзгуликни химоя қилишда, замонавий цивилизацияни яхшилик сари буришда қудратли омил бўлиб хизмат қилаверади.

Нарзулла ЖўРАЕВ, профессор.

БЕФАРҚ БЎЛМАГАН ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

JURNALIST SURISHTIRUVI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

АЛДАНГАНГА
АДОЛАТ ИҮҚМИ?УРУҒЛИК КАРТОШКА МАСАЛАСИДАГИ ҚИҒИРЛИКЛАР
ДЕҲҚОННИНГ ШЎРИНИ ҚУРИТИБ КЕТАВЕРАДИМИ?..

Бу мудҳиш жиноят узра қопланган қора парда Чуст туманлараро иқтисодий судида сал очилган эди. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судида қаллобларнинг башараси ва сўз билан айтиб бўлмайдиган найранглари илк бор намоён бўлганди. Гап – миллиардлаб маблағни ўнариш, сифатсиз маҳсулотни алдаб ўтказиш, бундан қуйиб қолган жабрдийдалар ҳақида. Алданиб қолган, қўлига бир дона уруғлик картошкани ушлаб кўрмган, аммо банк қарзини тўлашга мажбур этилаётган бир гуруҳ китоблик деҳқонлар мурожаат қилишди...

ШИКОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

Кўсам қишлоғи адирларга ёндошган. Тепа-сида чўққисига сал-пал қор илашган Зарафшон тизма тоғлари соябон мисол ёйилиб турибди. Таҳририятимизга мурожаат қилганлар асл боғбонлар, узум ва турфа мевалар етиштириб келишяпти. Боғбонлар Қаҳрамон Ҳалимов, Абдукарим Худоев, Рустам Ҳамроев, Илхом Йўлдошев, Бурхон Жалолов, Алишер Амиров ва бошқалар билан юзма-юз суҳбатлашдик.

Улар ёши улуг одамлар. Фермер хўжаликлари ихчамлашиб, 1-1,5 гектар ер қолган. Уларнинг бирортаси уруғлик картошка олишмаган. Аммо Шахрисабз туманлараро иқтисодий суднинг қарори билан банк кредитини тўлашга мажбур этилган. Бировнинг пенсиясидан қайтарилаётти, биров топан-туғанидан қарзини қоплаяпти. Бошдан айта қолай, гарчи суд қарори чиққан бўлса-да, инсон ҳуқуқлари топталишидан бошқа нарса эмасга ўхшашди.

– 2018 йилнинг март ойи эди, бизни ички ишлар ходимлари “Агро банк” туман бўлими идорасига олиб боришди, – дейди 62 ёшли фермер Қаҳрамон Ҳалимов. – Уша пайтдаги туман ҳокими Рустам Сағдуллаев таклифи ва сўрови билан уруғлик картошка оладиган бўлдик. “Асака банк” Қашқадарё вилояти бўлиmidан кредит олиш, Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги “Ишонч агро” МЧЖ билан уруғлик картошка етказиш юзасидан шартномаларга имзо қўйдириб олишди. Уруғнинг ҳар килоси 7,5 минг сўмдан экан, ваҳоланки, ўшанда Китоб деҳқон бозорида яхши картошка 1-1,5 минг сўмдан ошмасди. Бунинг устига банк кредитининг 20 фоизли устамаси бор эди. Банк ходимлари шартномани бўяб, 1,5 тонна картошка ёзиб қўйишди. Тортишдим, натижада 1 тонна учун қарз ажратадиган бўлишди. Бироқ бир кило ҳам уруғлик олмадим, мурожаатларим инобатга олинмади. Энди пенсиямдан ушлаб қолишяпти. Бу не бедодлик?

– Мен касалланиб, Жом қишлоғидаги хусусий шифохонада даволанаётган эдим, – дейди Абдукарим Худоев. – Уғлим Мухриддинни қақриб, шартномага муҳр бостириб олишди.

Бу қонунга тўғри келадими? Маҳсулот олмади, кредит тўлаётганимчи? Адолат кимлар учун?

– Биз эккан уруғ униб чиқмай, қуйиб қолдик, – дейди армон билан фермер Толиб Хуррамов. – Ўшанда аҳолимизни ўткир деган агроном йигит келиб кўрган эди...

Бошқалар ҳам шу фикрларни тасдиқлашди. Қараб туришмаган, албатта. Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги Найманча қишлоғига вакил юборишган. Бир қоровул чол “Имкон агро” деган ташкилот шу ердаги бинода дейишди, аммо ҳеч кимни кўрмаганман”, деб жавоб берди. Маҳсулотни олайлик, деб бошқа жойларга зир қатнашди. Китоб тумани фермер ва деҳқон хўжаликлари кенгаши ҳам ҳаракат қилади, ҳуқуқшунослари судларда маҳсулот олмаганларнинг манфаатини ҳимоя қилишди. Бироқ ҳеч нарса чиқмайди. Бу ҳақда тумандаги мутахассислар Эшмамет Авлоқулов ва Ўткир Насимовлар гапириб беришди.

Афсуски, айрим фирибгарлар ҳокимларнинг пинжиги кириб олиб, сифат сертификати йўқ, яроқсиз картошкалар учун банкдан улкан миқдорда кредит ажраттириб, пул ишлаб келишди. 2008 йилда Китоб туманида шундай аҳвол юз берди. Яроқсиз уруғ тўла ўнмади, натижада фирибни ёпиш учун алоҳида фирма тузишди ва “топширилди” қилишди. Ўзи йўқ маҳсулот учун фирма мудури қамалиб чиқди. Бундай қалтис ишга кўплаб банклар жалб этилар экан, бу ишга ҳокимият поясида ўтирган айримлар, банк тизимининг мутасаддиларидан кимлардир аралашгани яққол аён. Йўқса, бу қадар улкан маблағлар, кредитлар ажратилмасди. Китоб туманида бу йил ҳам яроқсиз уруғлик картошка мажбурлаб тарқатилибди. Хўш, бунинг орқасида турган валломат ким? Ёки бундан тўрт йил бурун Шахрисабз туманида уруғ олмаган фермерлардан банк кредити зўрлаб ундириб олинди. Мен 12 гектар лалми ери бўлган, қайнотаси муҳр босган ва экилган картошка учун кредитни тўломай йиғлаб юрган аёл фермерни кўрганман.

– Мени мажбур қилишди, аммо 16 тонна сифатсиз уруғни олмадим, шартномани ҳам имзоламадим, – дейди Шахрисабз туманидаги ери тортиб олинган фермер Собиржон Турсунпўлатов. – Аммо банк кредитини ундиришга тушди, чунки рўйхатга киритишган. Менинг номимдан қайсидир фирибгарнинг ташкилотига пул тушган. 2021 йилда вилоят иқтисодий суди мени тўловдан озод қилди, 115 миллион сўмни тўламайдиган бўлдим. Ўшанда судда сифатсиз уруғ тарқатиб пул ишлаб олган қаршиллик бўйича кўргандим. Ҳозир номини айтгим келмаяпти...

Шикоятлар кўпайгач, Бош прокуратура жиддий тергов олиб боради ва ўргимчак тўридек жиноятнинг илдизини аниқлайди. Натижада жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судида 2020 йилнинг 14 августда бу жиноят иши таҳлил қилинади. Маълум бўлишича, уруғлик картошка келтириш бўйича ҳукуматнинг қарори чиқади. Аммо олий пояда ўтирган айрим амалдорлар фирибгарларга вазифани ишониб топширишди. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида “Имкон агро” МЧЖ тузилади. Сўроқ-савол пайти таг-туғи йўқ ташкилотни

Тошкентда А.Усмонов бошқариб, кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйгани судда маълум бўлади. Голландиядан эмас, Россия ва Қозоғистондан сертификати йўқ, сифатсиз уруғлик картошка келтирилиб, аллақандай омборларда сақлангани, фермерлар қуйиб, миллиардлаб сўм пул ўзлаштирилгани очиқланади. Судланувчи З.Авазов биргина Қашқадарё вилоятидаги 1018 фермерга нега 1365 тонна уруғлик картошка етказиб берилмаганини билмаслигини айтади. Пулга ҳисобланганда, етказилмаган маҳсулот 10,2 миллиард сўмдан ошиқ экан.

Қашқадарёлик фермерлар билан тузилган шартномани А.Усмонов “Имкон агро” МЧЖ раҳбари сифатида имзолаган. Жавобгарлардан давлат фойдасига 5 миллиард сўмга яқин маблағ ундирилиши кўрсатилди ва бошқа жазога ҳам тортилади. Бундан минглаб фермерлар, жумладан, китоблик деҳқонлар заррача наф қўришмайди. Нега?

СУД АВВАЛ НИМА ДЕГАН?

2019 йилда Чуст туманлараро иқтисодий суди айрим фермерларга сал ён босган бўлади. Уларнинг фойдасига “Имкон агро” МЧЖ дан маблағ ундириш юзасидан қарор чиқаради. Бироқ фирибгарлар тезликда МЧЖни тугатишди. Натижада зарарни тўлайдиган ташкилот ери узидан йўқ бўлади. Энди доднинг сувга айт. Шахрисабз туманлараро суди эса банк кредитини маҳсулот олмаганлардан ундириш юзасидан қарор чиқаради. Мажбурий ижро ходимлари ишга киришиб кетишди.

Қуйидагиларга кўра, суд қарори бўйича мунозарали саволлар туғилади.

Биринчидан, Сирғали туман судида жиноятлар очилган, Қашқадарё вилоятига катта миқдорда картошка етказиб берилмаганлиги, аммо банк пули “Имкон агро” МЧЖ ҳисобига кўчирилгани фош бўлган. Шундай экан, зарарни банк кўтариши керак эмасми? Банк кредит мақсадли ишлатилишини назорат қилиши, маҳсулот етказилишини зиммасига олиши керак эди-ку.

Иккинчидан, шартномалардаги маҳсулот ҳажми бўяб ўзгартирилган. Бундай ҳужжат қонуний бўлиши мумкинми?

Учинчидан, фермерлар кредит сўраб банкка мурожаат қилишмаган, ариза ёзишмаган. Уларнинг пенсиясидан ушлаб қолиш, мол-мулкига қаратилган қарор чиқариш қонунни бузиш эмасми?

Тўртинчидан, олмаганини олди, деб ҳис-

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бу жуда чигал, ечилиши қийин масалага ўхшашяпти. Битта мақола доирасида барча тафсилотларга тўхталишнинг имкони йўқ, албатта. Лекин чигал экан, оғир экан, деб ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди. Кўп одам қуйган, адолатсизлик бўлган. Умуман, мамлакатда уруғлик картошка масаласи катта масалага айланган қўри-нади. Минглаб фермер-деҳқонларга ҳар йили уруғлик картошка керак. Буёғи қандай бўлади? Олий суд, Республика Бош прокуратураси, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар масалани атрофлича ўрганиб, қонун устуворлигини таъминлайди, деб умид қиламиз. Мавзуга яна қайтамиз.

соблаш, суд қарори чиқариш инсон ҳуқуқларини топташ эмасми?

ЁРУҒЛИК УМИДИ

Журналист Максуджон Ҳамроев билан суҳбатларимизда айтаманки, юртимиздаги қўлтуғ ўзгаришлар бошида Юртбошимиз турибди. Бундан бир неча ой бурун катта кенгашда Қашқадарёни ривожлантириш режалари айтилдики, булар улкан тараққиёт дастуридир.

Бу дастурда қишлоқ хўжалигини янгилаш ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Икки йил бурун Президентимизнинг ташаббуси билан Шахрисабз туманидаги қирларга сув чиқарилиб, картошка ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш режаси тузилиб, 60 миллиард сўмдан ошиқ маблағ ажратилди. Ҳозир анча иш бажарилган. Бироқ ўзлаштирилаётган ерларга биргина Тамшуш дарёси суви кам. Фан номзода Тўра Шовриқов Оксуб дарёсидан сув олинса, суғоришга етарди, деб ҳисоблайди. Умуман, мен бу ерларни кўрганман, катта ишни тасодифий одамларга топшириб қўймаслик, йўқ нарсаларни мақтаб, шов-шув кўтармаслик керак, деб ҳисоблайман.

Энди таҳририятимизга шикоят ёзганлар масаласига келсак, умр вилоят ҳокимига ҳам мурожаат қилишди. Уни ўрганиш Китоб тумани прокуратурасига топширилди. Мени кечиринсин-у, бунинг туман прокуратураси эпалолмаса керак. Вилоят ҳокимлиги алоҳида комиссия тузиб, масалани ўрганиши, мутахассисларни жалб этиши керакка ўхшайди.

Бу йил катта миқдорда уруғлик картошка жамғариш вазифаси қўйилган. Бу маҳсулотга талаб катта. Яна айрим фирибгарлар гимирлаб қолишгани, баъзи раҳбарларнинг пинжиги кириб, сифатсиз уруғни шўринг қўрғур фермер ва деҳқонларга мажбуран ўтказиш йўллари излашга тўғри келди. Вилоят комиссияси масалани ўрганиб, прокуратура ва адлия ташкилотларига тақдим этса, даъво аризалари, протестлар ишга тушса, масала ижобий ҳал бўлади. Уруғ олмади, кредит тўлаётган китоблик жабрдийдалар тақдирини ўйлаш лозим.

Улар кўп қўнғироқ қилишди. Охиргиларидан бирининг саволи юрагимга ханжардек қадалди: – Сиз ҳам алдаб кетдингизми?..

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист.

ХАЛҚ БАНКИ ҚАТТИҚ КУРАШЯПТИ



Халқ банкида “Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда банк фаолиятининг очиқлиги, коррупциянинг олдини олиш ишлари тўғрисида сўз юритилди.

– Коррупцияга қарши курашиш, олдини олиш, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш мақсадида ички назорат ва комплаенс департаменти тўғрисидаги низом ва жами 10 та ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди, – дейди **Акциядорлик ти-**

жорат Халқ банки бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Рўзиев. – Шунингдек, банкнинг ҳар бир филиалида ички назорат ва комплаенс менежер лавозими ташкил этилди. Ушбу менежерлар бош банк ходими ҳисобланиши, уларнинг фаолиятида ҳолислик мезонига амал қилиниши белгиланди. Ички назорат ва комплаенс хизмати томонидан қўнлик банк операциялари тўлиқ назоратдан ўтказилиб, аниқланган ҳар қандай қонун бузилиш ҳолатлари бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, тизимда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ҳамда коррупцион ҳолатлар аниқланганда зудлик билан банкнинг марказий аппаратида хабар

бериши таъминлаш мақсадида “Тезкор хабар” мобиль иловаси жорий этилди. Мазкур мобиль илова орқали келиб тушган мурожаатлар инсон омилсиз, автоматик равишда қабул қилиниб, белгиланган тартибда атрофлича кўриб чиқилади, шунингдек, аниқланган ҳолатлар юзасидан чоралар кўрилади.

Жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида Халқ банкига 151 та мурожаат келиб тушган. Бундай ҳолатлар юзасидан банк томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилган.

Халқ банкида ички назорат тизимида ички аудитнинг ҳам ўрни ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. Жумладан, ички аудит текширишлари ўтказишда, яъни биринчи навбатда риск даражаси юқори бўлган соҳа ва бўлимлар фаолияти назоратга олинади. Қолаверса, ҳар бир бўлимда ўтказилган аудит текширувлари ҳолис ўтказилганлиги, текширувга танлаб олинган объектлар тўғри танланганлиги, текширув давомида ходимларга ҳеч қандай босим ўтказилмаганлиги каби ҳолатлар сифат назоратчилари томонидан кузатиб борилади. Шу билан бирга, аудит департаменти томонидан ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳужжатлар тақдим этилади.

Жорий йил январь-ноябрь ойлари давомида банк томонидан аниқланган ҳолатлар натижасида банкнинг 274 нафар ходимига тегишли интизо-

вий жазо чоралари кўрилган.

Тадбирда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъуллари томонидан ҳамкорликдаги ишларга бағишланган тақдимот намойиш этилиб, унда Халқ банки тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низом, алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида регламент, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти каби ички меъёрий ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилгани алоҳида таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, тижорат банклари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги «Очиқ эшиклар куни» тадбири савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

– **Ижтимоий тармоқларда Халқ банкининг ҳудудлардаги филиалларнинг раҳбарлари, бош ҳисобчиси ёки кредит бўлимида масъул вазифада ишлайдиган ходимлар томонидан банкнинг миллионлаб пулларини ноқонуний йўллар орқали талон-тороғ қилгани ҳақидаги хабарлар тез-тез учрамоқда. Банк тизимида шунчалик даражада нопок ходимлар кўпми?**

Ушбу саволга Халқ банки бошқарув раисининг ахборот сиёсати маслаҳатчиси – Банк бренди ва ахборот хизмати раҳбари Гулноза Алимова жавоб берди:

– Саволни ўринли бевдиниз. Оммавий ахборот воситалари ходимлари

билан учрашганда шу ҳақида маълумот беришни анчадан бунён мақсад қилиб юргандим. Аслида ўтган йил билан таққослаганда Халқ банки тизимида коррупция ҳолатлари қарийб 40 фоизга камайган. Банкда ички назорат тизими шундай йўлга қўйилганки, ҳар бир ходимнинг хатти-ҳаракатида коррупция ёки банкнинг пулларини ноқонуний ўзлаштириш аломатлари бўлганида ички аудит ҳар бир ҳолатни ўрганиб, синчковлик билан текшириб, унга қонуний чора кўриш учун банкнинг ўзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳужжатларни тақдим этади.

Банкимиз берган маълумотлар текширилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ОАВда эълон қилинганда, “Ҳолат Халқ банки мурожаатига асосан ўрганилганда”, деб кўрсатишди. Аммо ижтимоий тармоқ фаоллари эса, шу қисмини, яъни “Ҳолат Халқ банки мурожаатига асосан ўрганилганда”, деган қисмини қолдириб, банкнинг фалон филиали ходими фалон пулни талон-тороғ қилгани ҳақидаги сарлаваҳалар остида постлар эълон қилишди. Фикримча, бу ҳар қандай ташкилотнинг ишчилик обрўсига зарар етказадиган усулдир. Чунки, ўзи ишлаётган банкдаги нопок ходимларни аниқлаб, улар қилмишига яраша жазо олиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилаётган ташкилот жамоатчилик наздида ёмонотлик бўлиб қоляпти. Очиқлик ва шаффофлик ижтимоий тармоқларда ўқувчисини кўпайтиришга ёки сенсация учунгина хизмат қилмаслиги керак...

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

FUTBOL

0
+5 Korakalpogiston
Respublikasi
Xorazm+5
+10 Buxoro
Navoiy+2
+7 Toshkent
Samarqand
Jizzax
Sirdar+5
+10 Qashqadaryo
Surxondaryo0
+5 Andijon
Namangan
Fargona+3
+5 Toshkent
shahri

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi


instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

ovozi.uz

ТИНЧЛИК ТАРҒИБОТЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

“Демократия, албатта, ғалаба қозонади”



Тинчлик. 7 ҳарфдан иборат ушбу сўзга дунё бугун ҳар қачонгидада мушук. Унинг аҳамияти, қадр ҳар доимгидан-да ошган. Зеро, камалнинг етти жилоси, бошимиз узра етти қават осмон ҳам фақатгина тинчлик билан гўзал ва ёқимли.

Кунги кеча адолат курашчиларининг бир гуруҳи тақдирланди. Россиядаги «Мемориал» ва Украина фуқаролик эркинликлари маркази каби ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи ташкилотлар, шунингдек, беларуслик ҳуқуқ ҳимоячиси Алесь Беляцкийга 2022 йилги тинчлик бўйича Нобель мукофоти топширилди.

Норвегия Нобель кўмитаси раиси Берит Рейсс-Андерсен ғолибларни эълон қилар экан, лауреатлар Беларус, Россия ва Украинада ўзларини «инсон ҳуқуқлари, демократия ва тинч-тотув яшашнинг аjoyиб ҳимоячилари» сифатида кўрсатишганини айтди. Унинг фикрича, кўмита мукофотни бериш билан уларнинг тинчликни сақлашга қўшган ҳиссасини тан олди. «Норвегия Нобель кўмитаси бу йилги учта Тинчлик мукофоти совриндори тинчликка эришиш ва уни сақлашда фуқаролик жамиятининг муҳим ролини ифодалашига қатъий ишонади», деди у.

Берит Рейсс-Андерсен сўзларига кўра, ушбу ўта оғир замонларда тинчлик ва инсон қадр-қимматини сақлашга қўшган ҳиссаси учун ғолибларни фахр билан тақдирлади.

Айтиш керакки, «Мемориал» Россия суди томонидан тугатиб юборилган эди. Ташкилот асосан сиёсий қатағонларни ўрганиш билан шуғулланиб келган. Ушбу мукофотга муносиб кўрилган беларуслик фаол, сиёсий махбус Алесь Беляцкий ҳам йиллар давомида турли таъйиқлар остида бир неча бор қамоққа ҳам олинган тарзда ҳаёт кечирган.

«Мемориал» кенгаши раиси Ян Рачинский ўз нутқида Владимир Путин ҳокимиятга келганидан сўнг Россиянинг янги раҳбарияти ва унинг мафкуравий хизматчилари ўз қўшниларига қарши ғазабланган ва таъжовузор «хотира урушлари»ни қандай бошлагани ҳақида гапирди. Уларнинг сиёсий манфаатлари учун янги ҳукумат тарихий ҳақиқатни йўқ қилди, дейди у.

«Охир-оқибат «миллатчилик» ва «бандеризм»га қарши кураш Украинага нисбатан аҳоқона ва жиноий босқинчилик урушини мафкуравий асослаш ҳамда ташвиқот воситасига айланди», деди Рачинский.

«Мемориал» 1987 йилда совет давридаги сиёсий қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштиришни мақсад қилган ҳамфикрлар томонидан яратилган. Ҳаракат аъзолари

» **Кунги кеча адолат курашчиларининг бир гуруҳи тақдирланди. Россиядаги «Мемориал» ва Украина фуқаролик эркинликлари маркази каби ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи ташкилотлар, шунингдек, беларуслик ҳуқуқ ҳимоячиси Алесь Беляцкийга 2022 йилги тинчлик бўйича Нобель мукофоти топширилди.**

қатағон қурбонлари хотирасига ёдгорлик ва мемориал маъмуа барпо этиш учун имзо тўплаган, давлат террори мавзусида кўча чиқишлари, кўргазмалар, илмий семинарлар ўтказган. Академик, тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати Андрей Сахаров «Мемориал» кенгашининг биринчи раиси бўлган.

Совриндорларнинг яна бири беларуслик ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиб, бу унинг узоқ йиллик меҳнати эвазига юксак эътироф бўлиб ҳисобланади. Ҳозир у Минск тергов изоляториди, катта эҳтимол билан баҳорда кўчирилган қоронғи, совуқ, ярим ертўлада.

Алесь Беляцкийни Ослода унинг рафиқаси Наталя Пинчук ва Виасна, инсон ҳуқуқлари марказидан ҳамкорлари тақдим этган. У мукофот топшириладиган вақтда қамоқда ўтирган тарихдаги тўртинчи лауреат ҳисобланади. Алесь Беляцкий 2021 йил 14 июлда ҳибсга олинган. Шу кунги унинг ўринбосари Валентин Стефанович ва адвокати Владимир Лабкович ҳам ҳибсга олинган. Улар уюшган гуруҳ томонидан нақд пулларни катта миқдорда ноқонун олиб ўтиш, шунингдек, жамоат тартибини кўпол равишда бузувчи ҳаракатларни молиялаштиришда айбланмоқда. Уччасини ҳам 7 йилдан 12 йилгача қамоқ жазоси кутатгани айтилмоқда. Суд жараёни қачон бошланиши номаълум. Аммо бу Ослодаги Нобель мукофотини топшириш маросимидан унчалик узоқ бўлмайди.

Нобель кўмитаси Алесь Беляцкийни мукофотлаш чоғида унинг 35 йиллик фаолиятини юқори баҳолади ва ҳозирда Беларусда ўнлаб ҳуқуқ

ҳимоячилари панжара ортида ётганини эслатди. Лауреатнинг ўзи ҳам ҳамкасблари каби судни кутаётгани таъкидланди.

Ҳуқуқ ҳимоячиси «DW»га берган интервьюсида 25 йилдан буён халқ ва ҳукумат ўртасидаги қарама-қаршиликлар давом этаётганини айтган. Унинг сўзларига кўра, замонавий Беларусдаги репрессия даражасини Сталин даври билан таққослаш мумкин. Чунки айни пайтда судда сиёсий сабабларга кўра кўпроқ ишлар кўриломоқда. Лекин одамларнинг бирлашаётгани, ноҳақликларга бўйин эгмаётганидан хурсандлигини ва бу унга озодликда яшаш иштиёқини бераётганини ҳам қўшимча қилди. Қон тўкишларсиз, қуролларсиз бўлса-да давом этаётган бу каби моҳорлар ортида озод ва тинч ҳаёт кечирish мақсади ётганини таъкидлар экан, демократия, албатта, ғалаба қозонишига ишонч билдиради.

Унинг рафиқаси Наталя Пинчук маросимда сўзга чиқиб, «халқаро диктатор»га қарши курашиш зарурлигини эслатди.

«Мен Россия ва Путинга қандай Украина мос келишини аниқ билман – диктатурага қарам бўлган мамлакат. Худди бугунги Беларусга ўхшаб мазлум халқнинг овози эшитилмаслиги лозим. Россия ҳарбий базалари, улкан иқтисодий қарамлик, маданий ва лингвистик руслаштириш – буларнинг барчаси Лукашенко қайси томонда эканлигини ўққол жавоби. Беларус ҳукумати Путин руҳсат берган даражада мустақилдир», деди Пинчук.

Украина «Фуқаролик эркинликлари маркази»ни тақдирлаш маросимида унинг раҳбари Олександра Матвийчук иштирок этди ва нутқ сўзлади. У, жумладан, шундай дедан:

«Биз бу мукофотни Европанинг тинч тараққиётини йўқ қилишга уринишларга дадил қаршилик кўрсатган Украина халқининг сазий-ҳаракатларининг эътирофи, шунингдек, инсон ҳуқуқлари фаолларининг бутун дунё бўйлаб уруш хавфининг олдини олиш борасида олиб бораётган ишларининг аҳамияти, деб биланми».

Ушбу марказ 2007 йилда Украинада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва демократияни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Бу ташкилот Украина фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашда ва уни тўлақонли демократик давлатга айлантириш учун ҳокимиятга таъсир ўтказишда муҳим роль ўйнади, дейилади Нобель кўмитаси баёнотида.

Дунё OAB материаллари асосида ўз мухбиримиз тайёрлади.



ЮЛДУЗЛАРНИ ЙИҒЛАТГАН МУНДИАЛ

Қатардаги жаҳон чемпионати бошланишидан аввал бир қатор футбол юлдузлари учун ушбу мундиал охиригиси, дея кўп гапирилган. Улар орасида йиллар давомида мухлисларнинг меҳрини қозонган бир қанча футболчилар бор эди. Яқинда бу сафарги жаҳон биринчилиги мазкур юлдузларнинг айримлари учун аламли тарзда тугаган бўлса, айримлари учун ҳали ҳам умид чироғини ёқиб турибди. Бу футболчилар кимлар эди ва улар нега бу сафарги мундиални кўз ёшлар билан тарк этишди?

Уругвай терма жамоаси чемпионатда омадсиз иштирок этган термалардан бирига айланди. Жамоа шарафини бир неча йиллар давомида ҳимоя қилиб келган Луис Суарес ва Эденсон Кавани каби ўйинчилар учун бу йилги мундиал охиригиси бўлиши муқаррар эди. Улар ушбу турнирда бор имкониятларини ишга солиб ўйнашни жуда-жуда истаганди. Бирок, гуруҳ босқич ўйинларида Лотин Америкасидан келган футболчиларга омад кулиб боқмади. Биринчи турда Жанубий Корея билан дуранг натижа қайд этган Уругвай иккинчи турда Португалияга 2:0 ҳисобида мағлуб бўлди. Учинчи турда эса Ганадан худди шу ҳисобда устун келди. Бирок, бу натижалар Суарес бошчилигидаги уругвайликларга кейинги босқичга чиқиш имконини бермади. Уйинда сўнг жамоа юлдузлари кўз ёшларини тийиб тура олишмади.

Чорак финалга қадар дадил юришларини давом эттирган Бразилияни кутилмаганда Хорватия турнирдан чиқариб юборди. Уйиндан сўнг миллионлаб мухлислар Неймарнинг аламли кўз ёшларига гувоҳ бўлишди. Ёшлигидан мамлакат футболининг ёрқин вакили, дея эътироф этиладиган футболчи терма жамоада биронта совринни юта олмагани чиндан аламли эди. 2014 йили ўз юртида ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятсиз иштирок, Россия мезбонлик қилган

турнирдаги омадсиз юриш ва бу сафарги кутилмаган мағлубият. Буларнинг барчаси тобора энг ёрқин даврлари орта қолаётган футболчининг йиғлатилиши турган гап. Мусобақанинг энг кучли таркибга эга жамоаси гуруҳ босқичида биринчи ўринни эгаллаб кейинги босқичга йўлангани кўлга киритди. Нимчорак финалда Жанубий Кореяни йирик ҳисобда мағлуб этди. Бирок, ярим финал оstonасида беш қарра жаҳон чемпионларини Лука Модрич бошчилигидаги Хорватия пенальтилар сериясида тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди.

Мундиал давомида ўзининг атрофидаги турли хил миш-мишлар билан мухлисларнинг эътибор марказида турган Криштиану Роналду жаҳон чемпионатларидаги охириги ўйинларини ўтказди. Турнир давомида клубсиз қолган ва муҳокамалар марказида турган ўйинчи чемпионатда ўз даражасида ўйин кўрсата олмади. Бунга ўша бахсли вазиятлар сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Португалия ҳам мусобақа фаворитларидан бири, дея аталаётган эди. Гуруҳ босқич ўйинлари натижасига кўра, биринчи ўринни қўлга киритган жамоа нимчорак финалда Швейцарияни аяб ўтирмади. Португалия ўйинида қитъадошларининг дарвозасига жавобсиз олти таъ киритишга муваффақ бўлди. Беллашувда Роналду заҳирада қолдирилди. Чорак финал тўқнашувиди ҳужумчи ўйинга заҳирадан туширилди. Марокашга қарши кечган баҳсда европалликлар ҳеч нарса қила олмади. Натижада Африка жамоаси ўз тарихида ярим финалга чиққан илк африкаликларга айланди.

Хуллас, юлдузларни йиғлатган жаҳон чемпионати сўнгги паллага етиб келди. Турнирнинг дастлаблари ярим финал беллашувлари бошланди. Бу сафар мухлислар қайси юлдузнинг кўз ёшларига гувоҳ бўлишар экан. Буни эса вақт кўрсатади.

Жамшидбек АМИРОВ.

ОЛИЙ СУД РАСМИЙ АХБОРОТИ

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддаси (ийғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоийшлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш) 1-қисми ва 202-2-моддаси (ёлғон ахборот тарқатиш) 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари бўйича блогер Олимжон Ҳайдаровга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди.

Суднинг қарори билан О. Ҳайдаров Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг юқорида кўрсатилган моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилди, унга мазкур кодекснинг 34-моддаси (бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўллаш) тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари (21 000 000 сўм) миқдориди жарима солинди.

ИЗОҲ. Олимжон Ҳайдаров суд ҳукмидан норози эканини билдириб, юқори турувчи судга апелляция шикоят беришини маълум қилган.

Мулоҳаза учун савол: 21 миллион сўм жарима жуда оғир жазо эмасми?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси Қўқдала туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Умар Жулбулбова
волидаси Кунсулвур Орзиқулловнинг
вафоти сабабли чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOYULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1241. 1382 nusxada bosildi. O'zA yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:00
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda